

И (АЛДО)  
А 45  
07

# АЛДАН

поэзии

L

И (заб)  
A 45-

АЛБАН  
поэзияси

ОТ


БИБЛИОСТЕКА КГБИ

Нв. № 33599.

160

ЎзССР ДАВЛАТ БАДИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ—1959

# ҲАЛҚ ЭПИК ДОСТОНЛАРИ



## ДЬЕРДЬ ЭЛЕЗ АЛИЯ

Дъердь Элез Алиядан ботирроқ ким бор!  
Тўққиз йилдир, жароҳатнинг азобин тортар.  
Сингилчаси тун-кун унга ҳамдаму дилдор,  
Ярасини соғ сув билан ювару артар;  
Ювар уни иссиқ-иссиқ кўз ёши билан,  
Қонларини қуритади ўз сочи билан;  
Онасининг рўмоли-ла боғлар ярасин,  
Акасига бериб турар ота либосин;  
Қиличини ёстуғининг тагига қўяр.  
Сингил унинг ярасини ювар ва артар,  
Шунда aka унутади оғриқ аламин;  
Ачинади aka кўриб синглининг ғамин.

Бу орада юртга довруқ бўлди бир хабар.  
Бир аждаҳо келган эмиш денгиз ортидан,  
Ўзи одам, аммо ёвуз, ҳунари зарар.  
Үлпон, хирож сўрабди у мардлар юртидан;  
Жон бошига биттадан қўй сўрабди золим,  
Биттадан қиз берсин эмиш ҳар бир хонадон,  
Кесилсинмиш ҳар кун битта ботирнинг боши,  
Ҳар ҳафтада битта қишлоқ ёндирилсинмиш,

Дъердга ҳам етиб келди солиқ навбати,  
Кўз ёшлари ювди унинг ёноқларини:  
Наҳотки ўз хонадонин қўяр уятга!

Акасининг кўкрагига кўз ёши тўкиб,  
Сочларини юлиб йиглар марднинг синглиси;  
— Ажал олса бўлмайдими сен билан мени!  
Ота-онам арғувоннинг тубида ётар;  
Тўққиз йилдир, тўшагига михланган акам!  
Мен, синглиси бораманми аждар комига!  
Авлодимиз ҳақоратга қолгандан кўра,  
Минор янчса бўлмайдими сен билан мени,  
Кошки эди тош қабрга айланса бу уй!

Бу сўзлардан пора бўлди йигитнинг қалби,  
Синглисига маъюс-маъюс боқди кўзлари,  
Икки ирмоқ оқиб тушди чаккаларидан.  
Чол-минорга қараб туриб, бундай сўзлади;  
— Майли, менинг уйим ёниб, кулга айлансан  
Деворлардан томга қадар пўпанак боссин!  
Майли, уни макон этсин илон-чаёнлар!  
Ана, ёмғир томни тешиб, қуя бошлади!

— Йўқ, акажон,—деди сингил, унга жавобан,—  
Бетобликдан билмаяпсан айтган сўзингни!  
Ҳаво очиқ, ёғаётган ёмғир эмас, йўқ,  
У кўзингнинг ирмоқ-ирмоқ ёши, акажон!

Дъердь шунда синглисига узатди қўлин,  
Силаб қўйди унинг тундай қаро кокилин,  
Кулиб боқди меҳр тўла кўзлари билан,  
Хўрсанд қилди қўп мулоийм сўзлари билан:

— Худо ҳақи, йиғламагил, азизим, синглим!  
Юрагими тилка-пора қилганинг басдир.  
Тўқиз йилки, чириб ётар бечора таним,  
Қорақайин дарахтининг титроқ баргидай;  
Аканг Дъердъ беоромдир, дардман, бекасдир.  
Нечун кўз ёш? Қийналдингми озиқ-овқатдан?  
Кияй десанг кийиминг йўқ—шунга зормисан?  
Ёки, бирор сўзи билан хафа қилдими?  
Ёки, оғир юкми сенга ярадор аканг?  
Ёки, кўнглинг бир ёстиқдош тилаб қолдими?

Кафти билан акасининг манглайин силаб,  
Хўп яхши гап айтди унга жонажон сингил:  
— Қорақайин шохи каби букилмас ака!  
Беморликдан қулоқларинг битганми дейман!  
Хаёлима келган бўлса ёстиқдош фикри,  
Майли, мени тириклайин ерга кўмсинар!  
Кияй десам кийим-кечак менга муҳайё,  
Болаликдан ота-онам сен бўлиб қолдинг.  
Акажоним, сенга қаттиқ ботмасин сўзим,  
Очиб айтай кўнглимдаги пинхон дардимни:  
Тўқиз йилки, жароҳатинг азоб беради,  
Тушагингдан эшиккача борсанг кошкийди!  
Синглинг аждар дўзохига боргандан кўра,  
Кошки эди малҳам бўлса мудҳиш дардингга;

Тушагидан азод турди шунда паҳлавон:  
— Бас,—деди у.—Тулпоримни эгарла, синглим!  
Етаклаб бор уни тўғри шаҳар ичига,  
У ерда бор бир темирчи — тутинган акам,  
„Дъердъ салом йўллади!“—де, ўша акамга,  
Тулпоримга темир тақа тобласин дарҳол,

Пўлат михлар билан қоқсин ўша тақани,  
Шунда жангга киражакман аждаҳо билан!  
Қайтаргудек бўлса агар сўзимни акам,  
Сен тақачи дўстимга бор, мендан салом айт,  
Ўша ёрдам беражакдир сен билан менга.

Катта шаҳар гузарига йўл олди қизча,  
Акасиининг акасига рўбару келди.

— Амакижон, салом сизга, худо ёр бўлсин!  
— Раҳмат сенга, олислардан келган қизалоқ!  
— Дъердъ сизга сўров билан юборди мени,  
Унга бир-бир айтгил деди ушбу сўзларни:  
„Тулпоримга темир тақа тобласин дарҳол,  
Пўлат михлар билан қоқсин ўша тақани,  
Шунда жангга киражакман аждаҳо билан!“

Нобоп бир гап қилди шунда тутинган ака:  
— Кўзларингни совға қилсанг менга, нозанин,  
Мен акангнинг зафарига ёрдам бераман,  
Шамол каби учқур бўлар унинг тулпори!

Ғазабли қиз бу сўзларга жавоб қайтарди:  
— Ёмон сўзни айтган тилинг қуриб-чирисин!  
Тўққиз йилдир, тулпоримиз турап тақасиз,  
Мен акам деб келган эдим сенинг уйингга,  
Янгишибман, ноинсофнинг уйи экан бу!  
Ер тагида чириб битган қариндошларга,  
Дард азобин тортаётган Дъердъ акамга  
Умрим бўйи фидойидир менинг кўзларим!

Ташлаб кетди у тутинган акани буткул,  
Тақачи дўст дўконига борди-ю деди;

— Тақачи дўст, сенга Дъердъ салом йўллади,  
Унга бир-бир айтгил деди ушбу сўзларни:  
„Мен эртага аждар билан жангга кираман,  
Тулпоримга темир тақа тобласин дарҳол,  
Пўлат михлар билан қоқсин ўша тақани!“

Ўз дўстининг мардлигидан беҳад шод уста  
Темир тақа тоблаб, қоқди пўлат мих билан.

Қиз уйига етиб келди кун ботар чоғи,  
Арғувоннинг ёнбошида кутарді ака.

Дъердъ Элез Алиядан эшитинг энди:  
Аждаҳога салом йўллаб шундай сўз деди:  
— Эртагаёқ олишамиз, чиққил майдонга!  
Уйда сенга берадиган қизимиз ҳам йўқ,  
Қўйларимиз ўзимизга емишга керак!  
Синглим тун-кун даволади менинг ярамни,  
Бегонага чўриликка бермайман уни!

Тонгда тоғлар чулғанганда оппоқ шуълага.  
Кенг майдонда икки жангчи юзма-юз келди.  
Жангдан аввал бир-бирига отар аччиқ сўз:  
— Дъердъ, мени бу майдонга чақирмоқ учун,  
Қоп-қоронғи гўрдан чиқиб келдингми дейман?

Боплаб жавоб қилди шунда душманга ботир:  
— Топдинг, денгиз нарёғидан келган аждаҳо,  
Тўққиз йилдир, борар эди гўр томон йўлим,  
Ярим йўлдан қайтишимга сен сабабчисан,—  
Жанг қилмасдан, сингилчамни истаб қолибсан,  
Сўрамасдан, қўйларимга сен чанг солибсан.

Бу майдонга келишимдан мақсадим шуки,  
Боболарининг урушини англатай сенга:  
„Душман аввал қуролингнинг кучини кўрсин,  
Агар енгса, майли, кирсинг уйингга босиб“.  
Шу сабабдан, чираммагил жанг қилмай туриб,  
Сингилчамни беҳудага орзу қилмагил.  
Сен Дъердга қасд қилибсан, бахтинг кетибди,  
Сен бу ишни хом ўйлабсан, умринг битибди.

Отлар учди, еру кўқни қоплади тўзон,  
Дъердъ томон чўқмор отди аждаҳо шу он.  
Дъердъ отин тиззалари эгилди шунда,  
Виз этди ю, ёнлаб ўтди ботпини чўқмор.  
Ерни ўйиб, ўшу икки газ кирди чўқмор,—  
Ўн икки газ юқорига кўтарилди чанг.  
Мард Дъердга навбат келди, отишла фаранг.  
У мўлжални пухта олиб, чўқморни отди,  
Чўқмор елдай учиб бориб, аждарга ботди.  
Бу зарбадан бутун замин ларзага келди,  
Ана шунда қиличини қинидан олиб,  
Ботир кесди аждахонинг гўдир бошини —  
Ва душманинг сёғидан азод кўтариб,  
Оти билан қўшиб жарга итқитди уни.  
Ёв қонидан қоп-қорайди шиша каби сой,  
Юртда уч йил сасиб ётди ифлосланган жар.

Шунда ботир етиб келиб уйига, дарҳол  
Таклиф қилди барча дўсту ёронларини.  
— Тингланг, дўстлар, мен сизларга сўз  
айтмоқчиман!  
Шу бугундан менинг уйим сизнинг уйингиз,  
Топган-тутган бор-бисотим сизники бўлсин,

Боғи-роғим, уй-рўзғорим сизники бўлсін,  
Фақат синглим мендан кейин етим қолмасин!

Шу дам марднинг қадди-басти ростланди бирдан.  
Жондан азиз синглисими бағрига босди,  
Аммо икки қалб уришдан тўхтади ногоҳ,  
Ака-сингил гавдалари қулади ерга!  
Шундан гўзал ўлим борми, айтинг, дунёда!

Уввос солиб, фарёд чекди дўсту ёронлар,  
Икковига қазидилар кенггина бир гўр,  
Ака-сингил ўша ерда қолди ёнма-ён.  
Марҳумларни унутмасин дея одамлар  
Қабр устига тикладилар ёдгорлик тоши!  
Бош томонга ўтқаздилар ниҳол-арғувон,  
Токи, қушлар шу дараҳтга қўниб, куйласин...  
Адир узра яшнаб қолди навқирон эман,  
Уни кўриб учиб келди тоғдан какку қуш  
Ва кўрдики ёш арғувон қуриб қолибди.  
Кечагина обод бўлган уй буткул бўм-бўш,  
Тош минор ҳам қулаб ётар парча-ю парча.

Какку уйнинг дарчасига қўниб олди-да,  
Бир сўз деди, йўлчи кўриб шаҳар йўлида:  
— Йўлчи, йўлчи, модомики қўшиқ айтибсан,  
Уни энди тўхтата қол ана шу ерда!  
Йиглар бўлсанг — яна, яна қаттиқроқ йигла!  
Мен тоғлардан, далалардан учиб ўтганман,  
Қанча-қанча уй устида қўшиқ айтганман,  
Аммо мардлик, ботирликда жаҳонда танҳо  
Дъердъ Элез Алиядек йигит кўрмадим!

## МУЙОННИНГ КУЧИ

Муйони ота-она сотган чоғида  
Ҳали мўйлов чиқмаган, жуда ёш эди.  
Чўпон бўлиб тўрага, боқиб сигирлар,  
Юрган ери тоғ бағри, харсанг тош эди.  
Ҳар кун ҳайдаб ўша ёт тўра подасин,  
Даралар ичра топар йўлнинг сарасин.  
Кун қизиган чоғларда қоя тагида  
Ховучлаб булоқ сувин ичар гоҳида.  
Бир сафар бахтсизлик рўй берди унга:  
Кечаси подалари қочди ҳар ёнга.  
Юраги дов бермасдан уйга қайтишга,  
Мажбур бўлди бу кеча йўлда ётишга.  
Бирдан эшилди — гўдак саси келарди,  
Оддий сасмас — ийғидир: қалбни тиларди,  
Боқди Мую — ёнма-ён туарди бешик,  
Икки бола ётарди ёшга чўмилиб.  
Тебратиб, Мую аста бошлади алла,  
Мақсади — овунтирмоқ эди шу палла.  
Цақалоқлар овуниб уйқуга кетди.  
Муйонинг қаршисида худди шу маҳал  
Қўйқисдан пайдо бўлди иккита гўзал.

— Сен кимсан, йигитча,—деб сўрди Муйодан,—  
Қандай қилиб бу ерга келдинг ва қайдан?  
— Мен тўра сигирларин боқиб юраман,  
Жойим—тоғ ва водийдир, шунда тураман.  
Лекин менга юз берди шундай бир бало,  
Молларим тарқаб кетиб, қолмади пода.  
Шунинг-чун тош ёнида, йўлда бу кеча  
Уйсиз қолган кишидай ётгандим пича.  
Эшитдим мунгли бир сас,—кимдир йифлайди,  
Одамнинг юрак бағрин эзив-тифлайди.  
Боқдим: бешикда ётар икки чақалоқ,  
Дилим ачиди шунда, келдим яқинроқ.  
Аллалаб болаларни, овунтирдим тез,  
О, сиз юлдуздай гўзал, айтинг, кимларсиз?  
— Бизлар пари, подачи, ҳар ерда тайёр,  
Инсонга ёрдам бериш сдатимиз бор.  
Овутибсан бизларнинг чақалоқларни,  
Айт кўнглингда борини, айт тилакларни.  
Хоҳлайсанми енгилмас кучга тўлишни?  
Курашларда зафарга эга бўлишни?  
Айт-чи, сенга керакми, олтин ва гавҳар?  
Ажойиб донишмандлик, моҳирлик, ҳунар?  
Тортинма, айтгин бизга — не истагинг бор?  
Не истасанг, подачи, бўлади тайёр.  
Шунда Мую ўйланиб, берди жавобин:  
— Ҳар кун ёвуз ниятли қўшни чўпонлар  
Менга қарши қўзғотар фисқу фасодлар.  
Шуларнинг адабини бир берсам эди...  
Шунда парининг бири бирига деди:  
— Бер кўксингдан оппоқ сут, у қониб ичсин!  
Кўксин тутди пари қиз, Мую шу замон  
Уч қултум сутни ишиб қониқди чунон.

Бирдан сезди ўзида сирли улув\_куч,  
Тоғни толқон қилгудек белда түлиқ куч.  
Кархисида туарди каттакон қоя,  
Парилар дер Муйога: — Қани, күтар-чи.  
Икки қўллаб ушлади қояни Мую,  
Бир силкиди зарб билан ва сал силжитди,—  
Тизгача кўтаролмай, дармони битди...  
Шунда парининг бири бирига деди:  
— Бер сутингдан, яна у бир тўйиб ичсин!  
Йигит тағин парининг сутидан ичди.  
Улкан оғир қояни яна силкитиб,  
Бир кучанди, кўтарди тиззасигача;  
Шу пайтдаёқ яна қўйди жойига.  
— Жуда соз,—деди пари дўсти парига,—  
Аммо яна бергин, у, сутингдан ичсин!  
Тағин пари кўксидан сут ичди Мую,  
Аввалгидан ҳам кўпроқ куч сезди гўё.  
Силжитиб улкан оғир қояни яна  
Даст кўтарди белидан юқори, мана!  
Буни кўриб парилар бўлишди ҳайрон  
Ва парига пари дер, тиллари бийрон:  
— Бер кўксингдан яна сут, қил уни меҳмон!  
Тағин пари кўксидан сут ичди чўпон.  
Ичди-ю, ўзин беҳад кучлироқ сезди,  
Бир кучки, бундай ҳеч бўлмаган эди.  
Икки қўллаб қояни ушларкан Мую,  
Шу чақ ўзиб еридан бир тугун каби  
Девқомат елкасига ташлади Мую.  
Шунда парининг бири бирига деди:  
— Энди унга яна сут бермаслик керак,  
Мабодо исча борми ҳаттоки андак,  
Ерни тамом кўтариб ташлар шиддаткор.

Парилар Мую билан ўтириб қатөр—  
Сұхбатлашар, күкдан ой кулиб боқарди.  
Қоянинг ҳам сояси маъюс ётарди...  
— Истагимиз, бизга сен бўлгин укажон,  
Ҳар дам биз билан юргин, мард-ботир Мую.  
Нима жавоб б расан, сўзла, тортинма!  
— Фақат менинг тилагим, парилар, сиздан,  
Бало келса қўл чўзинг ёрдамга тездан!  
Шунда бирдан тун ўтиб, оппоқ тонг отди,  
Мую кўзларим очиб, атрофга боқди:  
Сал нарида ўзининг подасин кўрди,  
Суғориш-чун подани Ютбинга сурди.  
Ютбинла, ажаб қўм-кўк дала қўйнида  
Йигилганди Муйонинг барча йўлдоши,  
Ҳаммаси ҳам чўпондир, унинг тенгдоши.  
Ўйинда улар доўм устун бўларди.  
Енгиб Муйони ҳар чоқ, завққа тўларди,  
Завққа тўларди, ҳатто изза қиласарди.  
Бугун Мую уларга ўз ҳунарини  
Кўрсатмоқ бўлди,— кимда қучнинг борини!  
Бир қўллаб узиб олди ердан зўр харсанг,  
Ёнгоқдай отди уни осмонга қараб:  
Қани энди кулса-чи зўрлар шу маҳал!  
Агар туртса бармоқ-ла Мую энг зўрин,—  
Йиқиларди туролмай ҳатто оёқда.  
Шу кундан бошлаб Мую тўра уйини  
Ташлаб кетди, эсидан чиқди тамомаң.  
Жонажон онасига у қилиб таъзим,  
Меҳнат, кураш йўлига кирди қаҳрамон.  
Шу кундан бошлаб қилич тушмас қўлидан,  
Қандай жангга кирмасин— ботир ҳар сафар  
Тору мор қилиб ёвин, қозонар зафар.

## ТЯФАНАК ҚИЗИ

Узоқ умр кўрди дунёда  
Тяфанақ деган бир албан.  
Пешонага сиғмай ўғиллар,  
Ёлғиз қизи қолди ёнида.  
Чолга нома йўллапти бир кун  
Улкан денгиз — сув жодугари —  
Чақирипти яккама-якка  
Қонли тўқнаш — беомон жангга!  
Чол ўтириб, хатни ўқийди,  
Қофоз узра томар ёшлари.  
Қизи ҳайрон, чолдан сўрайди:  
— Не ўқийсан, не ҳол, отажон?  
Нега бунча йиғлайсан аччиқ?  
Худо ҳаққи, айтиб бер менга!  
— Худо сени асрасин, қизим,  
Қайғум чексиз, қайғум беомон:  
Жоду менга нома йўллапти,  
Курашмоқчи яккама-якка—  
Чол отангни жангга чорлапти!  
Мен — қартайган, bemадор бир чол  
У дев билан қиласармишман жанг!

— Отажоним, ташвишланма кўп,  
Вақти келар — зафар ҳам келар.  
Бор, ўзингга ёрдамчи излаб,  
Ютбин элин аёнларига.—  
Вақти келди — зафар келурми?  
Чол сафарга кўрди ҳозирлик,  
Тонгда Ютбин сари жўнади.  
Ютбин элин номдорларига  
Салом берди бошини эгиб;  
Қайғусини қилди тез баён:  
— Тенгсиз жангга мени чақирди  
Курашмоқ-чун яккама·якка  
Денгизли у ёвуз жодугар.  
Мен қартайдим, э азаматлар,  
Ёрдам беринг мадорсиз чолга.—  
У аёнлар сукут сақлашди  
Чол кўзига қаролмадилар,  
Чол уларга пул ҳам узатди,  
Лекин улар кўнишмади ҳеч.  
Сўнг чол ғамгин миниб отига  
Ўз уйига равона бўлар.  
Яқинлашгач бечора бу чол,  
Пешвоз чиқиб қизи сўрайди:  
— Аёнларни кўрдингми, ота?  
— Кўришга-ку кўрдим, қизгинам,  
Менинг пулим нима уларга;  
Ҳеч ким менинг учун у ёвуз  
Жодугар-ла зўр жанг қилишни  
Истамади, қайтдим йўлимга.  
— Ёнма, ота, қайғурма ортиқ,  
Мен бораман у тенгсиз жангга,  
Ўғлинг ўрнин босаман ўзим.

— Худо сени арасин, қизим,  
Ахир икки ҳафтадан кейин  
Сени олиб кетар-ку күёв,  
Қандай қилиб борасан мен-чун  
Ү беомон қопли курашга?  
Бошгинангни узиб жодугар,  
Ёш жонингни қымасин хароб,  
Қайғу ҳамда бебахтлик, қизим,  
Юрагимни этмасин кабоб.  
Үзим олай қилични қўлга,  
Ўлсам — катта ташвиш ҳам эмас!  
Қиз отани тингламади ҳеч,  
Чол қўлидан олди қуролни,  
Сартарошга борди кийиниб,  
Чилвир сочин қирқтириди-да, у —  
Ёш ўглондек сочни таради.  
Чол бечора боқар, не қилсин?  
Сўнгра қизга қилди насиҳат:  
— Водий бўйлаб борганингда сен  
Каттакон бир қишлоқ кўрасан,  
Унда уй бор, уч ҳовли нари—  
Яшар бизнинг бўлғуси күёв.  
Эҳтиёт бўл, шу уйга кирма,  
Тунашни ҳам ўйлама бунда!

Мана, отин әгар-жабдуқлаб,  
Қиз водийда борар югуриб.  
Кафт соябон қилиб, олисга  
Боқар, кўрар күёв уйини.  
Қиз худога сифиниб, ўйлар:  
„Бир кеча шу уйда турайман“.  
Тақирлатар күёв эшигин,

Бор овоз-ла чақирар, бирдан  
Куёв чиқар қиз қаршисига.  
— Келган бу қандай йигит ўзи?  
— Меҳмон керак эмасми, оға?  
— Меҳмон бўлса — марҳамат, қани...—  
Отни боғлаб отхонасига  
Ўйга бошлар йигит меҳмонни,  
Ширин кофе тайёрлар дарҳол..  
Мезбон лутфу эҳтиром билан  
Ўзатади қизга пиёла.  
Кўзларини узмай меҳмондан,  
Юзларидан ўқир нафислик.  
Ҳатто ичган кофеси унинг  
Кўринарди нақ томоғидан.  
Мезбон қолар ажиб ҳайратда:  
„Бу қандай иш, тавба, қандай ҳол?“  
Онасига борар ёш ўғлон:  
— Хоҳ ишонинг, хоҳ йўқ, онажон,  
Париларга ўхшар меҳмоним—  
Юзлари оқ, бир момақаймоқ,  
Томоғидан кўринар кофе...  
— Ўғлим Али, наҳотки бизнинг  
Уйимизга кирипти аёл?  
Уни синаб кўргил, ўғлоним;  
Сўра ундан, най чалиб берсин,  
Ундан кейин, бир ўйин ўйна  
Эрлик шижаотин кўрайлик...  
Еб-ичишиди бамайлихотир,  
Таомдан сўнг аста сўради:  
— Номинг нима, айт, азиз меҳмон?  
— Мени Ўмер деб аташ керак,—  
Табассум-ла у жавоб берар,

— Мана бу най, бир чалиб бергил. —  
Құллари-ла босиб парданы,  
Меҳмон чалар найни ўхшатиб,  
Туни билан тингласанғ арзир;  
Ляхутада ўйнаб берар у,  
Бундай уста ҳеч қаерда йүқ,  
Ўрмондаги құшлар каби соз  
Күйлар жүшиб уларга меҳмон.  
Пол устида, йүл-йүл шолчада  
Али ва қиз тинмай ўйнашар;  
Ютқизади Али уч марта,  
Уч мартаба меҳмон ютади.  
Али яна таажжубланар,  
Онасига борар у қайта:  
— Уч бор ўйин қилдик иккимиз,  
Уч марта ҳам у ютди мени.  
Най чалишда, ляхутада ҳам  
Чевар экан, күп соз, тенги йүқ.  
Қани энди Үмер мен билан  
Үртоқ бўлса,— яхши бўларди.—  
Она боқар ўғлига кулиб,  
Рухсат этар илтифот билан:  
— Тунда бирга ётинг сиз икков,  
Агар меҳмон эркак бўлмаса,  
Кўзларига келмайди ўйқу...—

Улар бирга борар ётоққа,  
Тўшакка ҳам бирга ётарлар.  
Киз тун бўйи ҳеч қимирламай,  
Аzonгача дим қотиб ухлар.  
Йигит эса мижжа қоқмасдан,  
Меҳмонини кузатиб чиқар.

Эрта тонгда Али туарар-да  
Онасига борар у яна:  
— Туни билан ўлган ўликдай,  
Меҳмонимиз ухлади, она...  
Она яна ўғилга айтар:  
— Боргин, Али, бугун бозорга,  
Сотиб олгин чўпон найини  
Ҳамда олгин битта олтин чарх.  
Чарх ва ўша найни ташлаб қўй  
Ётогимиз остонасига:  
Меҳмонимиз қиз бўлса агар,  
Чархни аввал олади ердан.  
Йигит чопиб борар бозорга,  
Сотиб олиб най билан бир чарх,  
Ташлар ётоқ остонасига.  
Қиз кийиниб ётоқдан чиқар,  
Кўзи тушар ердаги чархга  
Ва оёқ-ла итариб қўйиб,—  
Чўпон найин олади қўлга,—  
Ҳийла мана ҳеч иш бермади!  
Улар ичар ширин кофени,  
Осойишта сұҳбат қилишар:  
— Менга ошна, ажралмас дўст бўл,—  
Дейди Али азиз меҳмонга.  
— Беомон жанг қилмоғим керак,  
Жоду сари жўнайман бугун.  
Жангда қурбон бўлинса агар,  
Бу дўстликдан нима ҳам фойда?  
Ёлғиз эгам ўзи билади.  
Бу курашда кимнинг енгишин.  
Агар қайтсан соғ ва саломат  
Даргоҳингда бўларман меҳмон.

Құл қисишиб хайрлашишди  
Меҳмон билан мезбон шу фурсат:  
Гижинглаган тулпорин миниб  
Қиз жүнади беомон жангга.  
Кенг сайхонлик бұлар намоён,  
Шунда бұлар балки тұқнашув.  
Тяфанакнинг қизи сесканар —  
Пайдо бұлар шу дам жодугар.  
— Сен ўласан, эй ёш, тирмизак! —  
Жоду ҳайбат билан бақырап.—  
Уятмасми — ўша чол отанғ  
Она сути оғзидан келмай  
Зұрға юрган сени йұллабди,  
Хозир бурда-бурда қиласман:  
— Ботир дүқни тингламас ҳеч вақт,—  
Шундай жавоб қиласар унга қиз.—  
Қани әнди ишни бошлайлық!  
Бирдан отлар қүш каби келиб,  
Бир-бирига урар күксини.  
— Олдинга юр, эй сен, тирмизак,  
Қувиб бориб тутиб оламан!  
Шамол каби учишди улар,  
Найзаларни отишди әпчил,—  
Қизни асло тута олмади!  
Сүнгра қилич билан жанг кетди:  
Қиз қулочлаб бир қилич солди —  
Учиб кетди жоду қиличи!  
Яна урди қилични унга —  
Жоду бирдан қулади тоғдай!  
Қиз бир сакраб отидан тушди,  
Жодугарнинг бўйнига чиқиб,  
Бор кучи-ла қиличин солди,

Лекин жоду боши узилмай,—  
Борган сари шишиб борарди.  
— Нега хомуш турасан, тентак!—  
Дер Тяфанақ қизи отига.—  
Эгарланиб, кўмир арава  
Тортмайсан-ку ахир тагимда!  
Эртагаёқ сотаман, нимжон,  
Бўйинтуруқ солишар сенга...  
Тулпор бирдан қулоқлари динг,  
Тинглар экан бўйинтуруқни —  
Итоат-ла тиз чўкар қизга,  
Ўлган жолу қўлидан тутиб,  
Қиз ўнгарар уни отига  
Ва ўзи ҳам эгарга чиқар.  
Сўнг, ям-яшил улкан водийда  
Чопиб кетар, борар шу оқшом  
Уч қабатли куёв уйига,  
Куёви-ла у кофе ичар,  
Тинч-осуда суҳбатлашурлар,  
Яна улар ўйнашар ўйин.  
Бир-бирининг кучин синашар.  
Эрта билан отланар йўлга  
Тяфанақнинг баҳодир қизи.  
— Мунча эрта кетяпсан, Ўмер,  
Ахир, шошма, ошна бўлайлик.  
— Худо ҳаққи, тингла сўзимни,  
Пул олмаган эдим ёнимга,—  
Ҳафта ўтмай, яна сен билан  
Учрашамиз бунда, азизим.  
Мен тўйингга келаман, шунда  
Биз бўламиз жондош, қадрдон.  
Али рози бўлди ноилож.

Меҳмонга от келтирди йигит,  
Эгар узра ўтирди жонон,  
Шамол каби учди уйига.  
Ўз қизини кўрар экан чол,  
Беҳуш бўлди қувонганидан.  
Ютбин элин — қўни-қўшнисин  
Зиёфатга чорлади шу кун.  
Кунлар ўтди шодлик, базмда,  
Шоду ҳуррам бўлди ошналар.  
Лекин ногоҳ тоигда әшикни  
Тақирлатди юзтacha отлиқ.  
Улар турар отин ўйнатиб,  
Улар келин учун келишган,  
Чирмандалар чалишар гижбанг,  
Қўшиқлар ҳам куйлашар тинмай,  
Али йўллар совчиларини...  
Мана олиб боришар шодон  
Куёв томон гўзал келинни.  
Бунда қайнар вино кўпириб,  
Меҳмонлар ҳам келишган тўйга  
Куёв қадам ташлар бесабр,  
Меҳмонларин кутиб уйида,  
Лекин дўсти Үмер кўринмас.  
— Най, чирманда тўхтасин! — деди  
Қайғу ичра уйнинг соҳиби,—  
Умер дўстим ўлганга ўхшар,  
Кўринмайди, қилгандай қазо...  
Бундан роса бир ҳафта бурун  
Тунаганди менинг уйимда;  
Дуо қилиб, қайтар чоғида  
У деганди қўлимни қисиб:  
„Фақат ўлим ажратар бизни,

Ўлсам келолмасман тўйингга...  
Чирманда-ю найлар тиндилар,  
Меҳмонлар ҳам тушди ташвишга.  
Шунда келин қайнига деди:  
— Али чиқсан эшик олдига.—  
Куёв чиққач эшик олдига  
Келин айтди унга бу гапни:  
— Не қилсанг қил, ўша кечаси  
Тунаганман ўзим ёнингда!  
Оқ қўлларни ушлади куёв  
Баланд ерга әлтди келинни:  
— Шоду хуррам ўйнанг, меҳмонлар,  
Азиз дўстим келди ёнимга.  
• • • • •  
Шундай деган менга кексалар,  
Лекин ўзим тўйда бўлмадим.

## СКАНДЕРБЕК ВА БАЛАБАНПОШШО

Тоғ бағрида тез оқар дарё бүйнга  
Скандербек қурганди чодирии қатор.  
Шу өзү отин солдириб түрк султонидан  
Етиб келди ҳовлиқиб бир учқур чопар.  
— Қани айт-чи,— деди у,— эй, албан шоҳи.  
Қайда бошлаймиз сен-ла биз қонли жаңгни?..  
Тез еткизай султонга, бер жавобингни!  
— Югур, еткур султонга, жавобим будир:  
Майли уруш истаса — келсин бу ерга,  
Майли журъат этолса — келсин шу ерга!

Чопар отин солдириб кетди султонга,  
Айтди бекнинг жавобин етиб шу онда.  
Меҳмет турди ўрнидан даргазаб бўлиб.  
Фазабидан қорайиб, заҳарга тўлиб,  
Тез буюрди жар солиб, зангни уришга,  
Лашкарбоши, бекларни бунга келишга...  
— О менинг лашкарбоши ҳамда бекларим!  
Борми ичинигизда мард, ёвдан қўрқмас эр?  
Скандербекни тутиб, қилиб қора ер,  
Хоҳи тирик, хоҳ ўлик келтирувчи шер?

Ҳамма сўзсиз турарди ерга тикилиб,  
Фақат албан халқининг сотқин хоини —  
Балабанпошшо туриб, деди эгилиб:  
— Не мукофот берасан буни бажарсан?  
— Олтин жабдуғи билан қўш от арава  
Ҳам бутун Албания берилар тортиқ.  
— Ундаи бўлса, эртага Скандерни мен  
Олиб келганим бўлсин, ўллик-тиригин!  
Шу чоқ янгради карнай, сурнай садоси.  
Ноғоралар урилиб, учди нидоси.  
Кўп ўтмасдан отланди хоин Балабан,  
Султоннинг ити каби икки кузи қон.  
Унга қарши Скандер кенг тошлоқ йўлда  
Борар эди, ўйнатиб қиличин қўлда.  
Келиб рўбару, деди Скандер унга:  
— Бунда биримиз албат кирамиз гўрга!  
Скандернинг жилови ноҳосдан шу чоқ  
Тушиб кетди қўлидан ва сотқин олчоқ —  
Бирдан санчди найзасин, найза-ла ғаддор  
Қилди бекнинг оти-ла қўлин ярадор.  
Скандербек отидан тез тушди сакраб,  
Турклар уни шу маҳал олишди қуршаб.  
Бақиришди жар солиб, чапаклар чалиб,  
Мақтанишиб гўёки чиққандай ғолиб.  
Ботир Скандер боқиб ёвига тикка  
Ва тангрига ёлборди, тикилиб кўкка:  
— Мадад бер, тангirim, менга ҳарсафаргидек,  
Нақадар мусибатли бу оғир жангда!  
Бир зумда қиличини яланғочлаб бек  
Суялди зўр әманга, дилда ўтли кек...  
Шунда битта ҳам ит турк қутиrolмади,  
Қилич солишга ҳечам ботинолмади.

Бирдан кўрди Скандер: узоқдан шу он  
Отлиқлар келар эди бу майдон томон.  
Булар бек-чун ёрдамга ошиқсан қўшин,  
Икки мингта забардаст чиниқсан қўшин.  
Ҳаммаси ҳам довюрак албан йигити,  
Ҳаммаси ҳам юрт ўғли, тоғлар бургути.  
Бошлаб келар уларни, даҳшати катта—  
Дукадин билан бирга ботир Ливетта.  
Келиб ташланди улар турклар устига,  
Душман ўлигин тўшаб йўлга гиламдек,  
Қиймалаб ёвни, сомон тиқди пўстига.  
Скандер кулиб шунда деди дўстига:  
— Ҳеч бир қўрқув билмаган, Дукадин ботир,  
Энди менинг орқамдан отингни солдир,  
Энди мен олишаман Балабан билан,  
Ўша ватан хоини, кўзи қон билан;  
У кўриб, билсин қилич солишларимни,  
Байроқни мен пок тута олишларимни,  
Шу чоқ кирди от солиб майдонга-жангга.  
Қизиб кетди, гўё у ёнар аланга.  
Ифлослар ўлиги-ла тўлдирди ерни,  
Кесилган бошлар тутди қир ва ўнгирни.  
Ёлғиз битта кишига у қилди шафқат:  
Балабанни ўлдирмай, хўрлаб шу фурсат  
Шартта кесди қулоғин, ёв қолди чиноқ;  
Сўнг қўйворди уни бир ит каби шу чоқ,  
Мана сulton олдида қўрқиб, қалтираб,  
Туради ранги учиб, кўзи ялтираб.  
— Қани, жавоб бер менга, о ифлос, манфур!  
Ким кесди қулоғингни, қани, айт-гапир!  
Нега Скандерни сен тутиб келмадинг?  
Нега ўлигин отга ортиб, елмадинг?

— Рухсат эт, эй султоним, бир сўз айтайин:  
Мен билан олишганда Скандербекка  
Олло ёрдамга келса ахир нетайин...  
— Қани, менга яқинроқ кел, хоин, айёр,—  
Кел доғули, яқинроқ кел, сотқин, айёр!  
Кел, боқайин эй ифлос, шамгин юзингга...  
Кел, тупурай тикилиб турган кўзингга...  
Шу чоқ Мөҳмет ғазаб-ла бир чапак чалди,  
Балабанни жаллодлар тез ўраб олди;  
Оёқ-қўлларин сўнгра боғлашди маҳкам,  
Шартта чопиб ташлашди калласини ҳам..





# XIX-XX АСР ШОИРЛАРИ



*Иероним Де-Рада*

(1814—1903)

**МИЛОСАО**

Узумзорлар олтин тус олди,  
Айни ҳосил йигиш дамлари.  
Айланишиб кенг ишкомларни  
Тулкилар гоҳ изғишиб қолар.  
Кечки пайт. Қуёш ҳам аста  
Далаларга сочар нурларин.  
Тоғдан оқиб тушмишди сойлар,  
Мен тушардим сувларга пойдош.  
... Тураг эди булоқ бошида  
Соҳибжамол, сарви қад бир қиз.  
Таралмаган кокилларида  
Оқ лентаси ўйнар тинимсиз.  
Узоқларга боқарди гўзал,  
Ўйчанлик бор қарашларида.  
Тегиб тураг ерга кўйлаги,  
Кўйлагида зангори белбоғ.  
  
Унинг нозик ҳаракатлари,  
Кўтарилган дўмбоқ кўкраги  
Ларза солиб юракка бу чоқ  
Этмиш эди мени маҳлиё.

Йигит — Сувингдан бер ичай, яхши қиз!  
Қиз — Жоним билан, йўловчи Йигит!  
Йигит — Қаердансан? Ота-онанг ким?

Ё масканинг ўзга бир юртми?  
Мен кўп кездим Салоникида.  
Лекин сенек хушчақчақ ва шўх,  
Гўзал қизни бу ён атрофда,  
На қишлоқда учратганим йўқ.

... Ёноқлари қизарди қизнинг,  
Лабин тишлаб турар, уялиб.

Қиз — Кологрэнинг қизиман! — деб у—  
Очди оппоқ манглайин, мағрур.

Сўқмоқ бўйлаб кетдик қиз билан.  
Йўллардаги шохлар, буталар  
Қизнинг юзу пешонасига  
Тиканларин дамба-дам санчар.  
Шунда ҳам у индамасди, мен —  
Суфурардим тиканакларни —  
Кўлим қонаб.  
Оҳ, гўзал лаблар,  
Жилмаяр қиз лаблари бу дам, —  
Гўзаллик, баҳт шунда мужассам.

Биби Марям куни кечаси  
Бошланмишди тантана билан:  
Бўсағалар, кенг йўлакларда  
Рақс этарди қизлар айланиб  
Ва куйларди: — Уйда йўқ ҳозир  
Сержаҳл отам, жавроқи онам...  
Бошланмишди ўйин-кулгилар,

Ярқирашиб кетарди бирдан  
Фонарларнинг ёруғ нуридан  
Исирғалар, ёқут маржонлар.

Биз кутардик байрам кечасин;  
Мағрур қизлар йигитлар билан  
Ўйнашарди шодланиб бунда  
Қўлни қўлга беришиб шўх, шан.  
Самовий парилар кузатар  
Қувонишиб бу ажид ҳолни.

Кўтарилидим тепалик ерга,  
Зар бошоқлар чайқалмиш елда.  
Мен йўл олдим зайдунзор ичра  
Шилдираган шўх ирмоқ сари.  
Борар тўрт қиз мен билан бирга,  
Соҷда ўйнар оқ ленталари.  
Дугоналар сари юриб тез  
Етиб олди сув берган шўх қиз.  
Беш қиз — гўё беш зумрад бошоқ.

Қизлар — Арберия тепалигида.

Ҳилпирав бир байроқ бетиним.  
Шу байроқдай кўзга ташланиб  
Бизга иззат-икром қилган ким?  
Хозир йигит ўпа бошлаган,  
Зўр ҳирс билан қучабошлаган  
Қизни қанча баҳтлар кутади!  
Эҳ, бияслайдим — шу дилбар қалбни  
Қай йигитга баҳн этмоқ мумкин?  
Довул каби исёнкор бўлган  
Ёшлик ҳирсин қудратигами?  
Ё ўз уйинг — ўлан тӯшагинг  
Ичра мавжуд ҳурлик, баҳтгами?

\* \* \*

Якшанба кун оқшомга яқин  
Албан йигит йўлга жўнади.  
Гўзал қизнинг сувидан яна  
Тўйиб исча, шудир мақсади;  
Сувга ғоят ташналиқ—чанқоқ  
Томоғини қақратган эди.  
Эшигини очиб сахий қиз,  
Таклиф қилди уйига уни,  
Очиб солди бор бисотини.  
Дудоқлар сўз истамас эди.  
Севдим!“ деган сўзлардан холи,  
Қовушишди севги орқали...  
... Пичирлашар ва жилмайишар:  
— Шошма, жоним, ошиқма, шимол —  
Елларидек бўлиб бекарор.  
Йигит — Йўқ, бўлмайди. Мени кутарлар.  
Қиз — ... Мана, бир жўфт олма, жоним, ол.  
Асраб эдим фақат сен учун  
Жуфт олмани... ҳузуримда қол...

У оҳиста бир қўли билан  
Тушиб кетган сочин кўтарди; ·  
Иккинчи қўл барно йигитга  
Жуфт қирмизи олма тутарди.  
Севганига бергач уларни,—  
Бошин эгди, чунон қизарди.

Севишганлар айтсинчи, қани:  
Ширинмикан бўсанинг таъми?

## СЕРАФИНА

Мен қадрдон ўйимда ўсдим  
Ғам-ташишдан мутлоқ бегона.  
Ишкомларда менинг улфатим  
Бўлди фақат баҳт-шодиёна.  
Боғларимиз нақадар сўлим  
Ва дилрабо бўлса-да, аммо  
На ёт ва на танишга зарра  
Фаразни мен кўрмадим раво.  
Черепица ёпиқ томларни  
Кучли дўллар қамчиласа-да,  
Совуқ ёмғир томчиласа-да,  
Тушда — ўрим қизғин вақтида  
Пешонадан терлар оқса-да;  
Севинчларга ғарқ әдим ғоят,  
Билмас әдим ғам нима, кулфат?..  
Ўн еттига тўлганди ёшим,  
Хурсанд әдим ҳаётдан ортиқ.  
Чорладим тўрт хизматкоримни,  
Кир ювгани соҳилга бордик.  
Узоқлашиб улардан, сўқмоқ —  
Йўллардан мен кетдим нарига.  
Денгиз бўйи, шовуллар булоқ,  
Хордиқ олиб ястаниб ётдим  
Дафналарнинг салқин тагига.

Қуюқ шохлараро шұ замон  
Күринарди зангори осмон.  
Мен күрганим чинданми само,  
Е рұмолча — самовий бир ранг?  
Бургут расмли, үзимиз топган,  
Энди эса ҳамма ёғи чанг...  
Боболарим ғаными бұлган,  
Ёвуздарча сұнг ўлдирилган —  
Зотнинг ўғли Старсәнэт,  
Босбари Старсәнэт — сувори  
От сурган у сұқмоқ йұллардан  
Топиб олган әдик биз уни...  
Узоқлардан оқарыбранги  
Отда келар мана мән томон,—  
Хизматкорлар роса мақтаган  
Душман; аста әхтиром билан  
Йұл олмоқда менинг қошимга.  
— Хоним! — деди менга оқиста,—  
Олижаноб! — сүз құшди яна.—  
Мен йүқтөтган рұмолни нега  
Осиб құйдинг, айтчи, дафнага?..  
— Чанғда экан, хизматкоримга  
Ювиб бермоқ учун әлтдим, сұнг  
Курисин деб дараҳтга ўйдим...  
— Мен тоғларга тикка отилдим  
Ва йүқтөтим рұмолим шунда...  
Рұмолимга бургұт расмини  
Үз құлларим билан тиккандим!  
— Хүп, ола қол... Лекин қайтиб бер  
Сен ҳозироқ топган нарсангни...  
— О, бу қадар бұлма бағри тош.  
Шод қила бил қалбин кимсангнинг!..

*Кичик Гавриил Дара*  
*(1826—1885)*

**ЭРТАК**

Оғир жангнинг қўрқув, даҳшатин  
Тун зулумат ичра фарқ этди...  
Совуқ шамол туриб қўйқисдан,  
Қаттиқ, оғир уйқуга кетган  
Жангчиларнинг тепаларида  
Чайқаларди осма кўпrikлар.  
Чарчаб, ҳориб чайир гавдалар  
Ерда ётар оғир туш кўриб.  
Гурс-гурс ташлаб вазмин қадамлар  
Посбонлар туришар ҳушёр...

Гўё тунги хаёлий шарпа —  
Нур, ҳавога чанқоқлар бари  
Тронэда, Дрэда мавжуд!  
У ерда бор тепалик, сокин,  
Унда дуб бор, хўжаси — ҳоким;  
Унда кучли гулхан ёнар, о!  
Бу Бульерлар кечаси гўё.  
Унда завқса чўмган кишилар,  
Алангани учирар шамол,

Шуъла ўйнар юзларда ял-ял —  
Бу Бульерлар кечаси гўё!  
Ўйғонмишdir жанглар генийси,  
Ўраб олди уни жазманлар.  
Байрам қилди Скандербекнинг  
Ворислари — жангчи ёронлар:  
Унинг руҳин сақлай билганлар,  
Азиз тутиб, ёқлаб келганлар,  
Шу зўр бургут 'асиятларин  
Шараф билан адо қилганлар!  
Шуъла сочган гулхан ёнида  
Пайдо бўлди Дара — жаҳонгир.  
Суялганча чўнг қалқонига,  
Магрур боқди ҳаммага бир-бир.  
Жасурларнинг улуғ бошлиғи,  
Шараф топган мардлар ўғлони.  
Аждодлари унинг дубсимон  
Ўлим билмас, абадий кўркам.  
Шундай ботир насллардандир  
Жасоратли лашкарлари ҳам...  
Йигилмишлар кексани тинглаб,  
Олмоқ учун янгидан наказ.  
Қордай оппоқ унинг соchlари.  
Бир бечора каби мунгли, жим  
Хаёл суриб кекса яшил дуб —  
Тагида тик танҳо турган ким?  
Бу Големи авлодидандир,—  
Ерга узоқ тикилган-тўнган;  
Бу Големи авлодидандир  
Чойшаб билан бошин беркитган.  
Големининг кўксини ёқсан —  
Не экан у, бурқсиб ётиби?

Ёндиргудек бўлиб кўзларӣ,  
Лашкарларга боқаркан ювош,—  
Жароҳатдан қийналиб жуда,  
Тўкар юм-юм аччиқ томчи ёш...  
Чунки солмиш юрагига из  
Сотқинлигин хотири шу кез.  
Бир лаҳзада унутди тушдай  
Ўтмишдаги ишларнинг барин  
Ҳам эслади ғалаба куннинг  
Эркаловчи хотираларин...  
Эслаб кетди қанча-қанчалар  
Шаҳарлару шон олганини;  
Эслаб кетди: мақтовлар билан  
„Аждаҳо“,—деб ном олганини;  
„Сен—ботирлар ботири“ дея,  
Зўр қўшинга бошлиқ бўлганин  
Ва қизларнинг уни орзулаб  
Юрганларин эслади узоқ...

*Васоюшо Шкодрани*

(1825—1892)

**О АЛБАНИЯ!**

Албания, жонажон ўлкам,  
Нима учун кўксинг тўла ғам?  
Бир замонлар эдинг бахтиёр,  
Боғларингдан кетмасди баҳор.  
Кучли эдинг, бадавлат эдинг,  
Душманларин қилолган тор-мор —  
Фарзандлар-ла топдинг эътибор!  
Мардлар юрти, шараф Ватани,  
Халқим жондан севарди сани.

Гумбурлади момоқалдироқ...  
Тоқат қилмай албанлик шу чоқ,  
Уйин бўум-буш қолдириб,— чиқди,  
Қасос утин ёндириб чиқди.  
Кўп йўл юрди, ошди тоғ-тошдан,  
Ҳайнқмади жангда оташдан...  
Жанг қилди у келтирмай иснод,  
Мардлик номи қолур умрбод.  
Эшишиб эўр албан бургутин  
Дард, ҳаяжон ичра олмай тин,—  
Турган эди соғ Румелия

Жангчимизга оғарын дей.  
Албания, эй олтин тупроқ,  
Пайхон бўлган боғларинг мутлоқ;  
Куйган дала, ўсмас гиёҳ ҳам,  
Гуллар йўқки, порласа шабнам;  
Яшин теккан эман дараҳтдай  
Қулагансан, ожиз, карахтдай...  
Ажралгансан ҳусн-жамолдан,  
Ажралгандай баҳту иқболдан,  
Улуғ номлар ўчгандир буткул.  
Севги қалдан кўчгандир буткул.

Юракларда ғазаб ва нафрат,  
Ота, ўғил навбатма-навбат  
Бир-бирини лаънатлар, хўрлар.  
Диндан динга ўтишга зўрлар.  
Исо бутин қўлга тутганлар  
Янги худо бандаси бўлди.  
Сажда қилиб фусса ютганлар  
Қуръон-қонун жандаси бўлди.  
Булар бекор қиласи можаро,  
Билмасларки юрт мотамсаро;  
Ҳар хонага бало-қазонинг—  
Кирганини айтсан, худонинг—  
Машмашасин қилишмас эди,  
Ёқа йиртиб-юлишмас эди.  
„Авлиёлар“ каромат, ёлғон —  
Сўзлаб, юртни кўп хонавайрон,  
Элни гадо қилаётганин,  
Хўрлаб адo қилаётганин  
Билишсайди, бундай бўлмасди,  
Халқ қашшоғу боғлар сўлмасди...

Хотин-қизни шармисор қилган,  
Ботирларни хурлаб, хор қилган  
Келгиндига қилмасдан таъзим,  
Бошқа ҳаёт кечириш лозим!  
Қон-қон йиғланг, тиғдор шамширлар.  
Бургут тұрга илинган, титрар.  
Йиғла, ботир! Ватан қафасда,  
Озор топған ҳар чүп, ҳар хасдан...  
Үчоқларни күл босған, қүр йүқ,  
Емоқ учун тишлиам нон, күр, йүқ!  
Севинч қани, күзлар тұла нам,  
Юракларда битмас ғам-алам,  
Эй, жувонлар, бир оиласек  
Түпланинг-да, дилда сақлаб кек,  
Ватан учун қайғуриб йиғланг,  
Ев бағрини сүз билан тиғланг!..  
Күз ёшингиз кетмайди зое,  
Қайтар юртнинг шуҳрат чиройи.  
Фарзанди йүқ она мисоли  
Ачинарли Ватаннинг ҳоли...  
Курашларда тобланған авлод  
Бу хүрликка чидарми, ҳайхот!  
Онамизни қўярми ташлаб,  
Ёвлар ичра кўзини ёшлаб?!  
Йўқ, она юрт, қолмайсан бундоғ,  
Ўғилларинг қўзғолиб шу чоқ,  
Кутқарғали дадил боради,  
Зулм тошин уриб-ёради.  
Эй, тоғларнинг чин ўғиллари,  
(Эътиқодда ҳар хил йўллари)  
Мачит, черков деб қилманг жанжал,  
Бирлашмоқлик зарур бу маҳал.

Бир эътиқод, бир қуёшнингиз.  
Бир ёқадан чиқсин бошнингиз!  
Она Ватан, боболар юртни—  
Дилда сақланг, муқаддас тутнинг;  
Қани — жангга, мардлар! Чекинг саф  
Ёки ўлиш, ёки баҳт-шараф!

*Тими Митко*

(1815—1889)

### ЁРНИ СОФИНИБ ЙИҒЛАДИМ...

Ҳаётим эдинг сен, азиз йўлдошим,  
Қуёшим эдинг сен, кечалар моҳим;  
Сен тожим, Ндино, умид, бардошим,  
Қалбимиз бир эди, мангу ҳамроҳим!

О, менинг ўзгармас пок муҳаббатим!  
Ёшлиқдан ардоқлаб топдирдинг камол.  
Сен сингиб кетгансан суюк-суюкка,  
Севгимиз бир умр топмайди завол.

Тушимга киради жон Албания.  
Қайдасиз, эй азиз тоғлар, қоялар?  
Бу оғир жудолик найзадек ботиб,  
Олов яллиғидек қалбим куйдирап.

Не учун кундузи ғам келар пешвоз?  
Ушбу ҳол рўёдир-тушдир, эҳтимол?  
Не учун ўт каби ёндиради ёз?  
Дўстлар, жавоб беринг, сурдирманг хаёл!

Азизам, мен сени асрай олмадим,  
Бағримдан bemavrit юлди ажал-шум.

Тақдирнинг ҳийласин била олмадим,  
Билсайдим ажални дарҳол қувардим!

Эсимда, сўрадим:— Тобинг қочдими?  
— Азизим, безовта бўлма,— деб айтдинг.  
— Рангинг ўчган, жоним, айтсанг-чи,— десам.  
Жилмайиб юпатдинг, куйма, деб айтдинг.

Зимистон уйимни иситиб тунда,  
Севги-ла ҳаётим ёритдинг, эркам.  
Нигоҳинг беозор, мулойим эди,  
Самовий, ажойиб гўзал париштам!

Ким билан бўлишай дарду ҳасратим?  
Ким мени юпатар ва берар далда?  
Ким қувар қалбимдан алам, кулфатим,—  
Мен ором олардим қўлинг текганда.

Эсимда, сен дердинг:— О, менинг Тимим,  
Не учун хомушсан, дарров айта қол.  
Айтмасанг, жонгинам, сиқилар дилим,  
Фамингни тарқатиб, этайнин хушҳол!

Шундайин келдингу кетдинг ногаҳон,  
Юлдуз учганидек оҳиста сўндинг,  
Иложим бўлмади, ишқинг беомон —  
Кўксим поралади, мен бунга кўндим...

Юрагим ловиллаб-ловиллаб ёнди,  
Аlam алангасин ўчириб бўлмас.  
Нигорим, ичиккан қалбим ўртанди,  
Софингчи ёшларим тинмас бир нафас.

Скрипка, қўшиқ-ла тўкиб кўз ёшим,  
Қалбимнинг ярасин ювмоқ истайман.  
Ҳамиша қумсайман сени, қуёшим,  
Тушимда сен билан юрмоқ истайман!

*Наим Фрашери*

(1846—1900)

### ШАМЧИРОҚ ҚҮШИГИ

О, одамлар, сиз учун менинг  
Кип-қизариб ёнар алангам.  
Ёритай деб сизни яралдим,  
Нурларимдан тун топар барҳам:

Томчи-томчи эриб кетаман,  
Борлигимдан нишона қолмас:  
Ўзингизни, бутун оламни  
Аниқ кўриб олсангизлар, бас.

Охир, эриб-ўчиб қолсам мен,  
Йиғламангиз! Ишонинг дилдан:  
Бағишладим ҳаётим сизга  
Мен қўрқмасдан ҳатто ўлимдан!

Ҳамма ерда борман, ҳозирман,  
Мен ҳаётда сиз билан йўлдош.  
Қалбингизга ёрман, яқинман,  
Яқинлардан яқин — қариндош.

Бордир менинг катта бойлигим:  
Жасоратим, тоқатим, кучим,

Қора тунда қалбимни ёқиб,  
Йўлингизни ёритмоқ — бурчим.

Ҳазиллашинг, куйланг ва ичинг  
Атрофимдан ўрашиб мени.  
Юрагимда муҳаббат чексиз,  
Бу сиз учун, эгалланг уни!

Ҳар нафасим сиз учун, сизга,  
Сизга шодлик ва қайғум ҳар он,  
Сизлар учун доим тайёрман  
Жонимни ҳам этмоққа қурбон.

Одамларни севаман шундай  
Қалбим билан, ҳарорат билан.  
Дўстлар, севинг сизлар мени ҳам  
Ана шундай муҳаббат билан!

Ҳаёт билан меҳнатни севинг,  
Бир-бирингиз яхши севингиз!  
Енгил қанот қоқиб нуримга —  
Парвонадай учиб келингиз!

Равшан қиласар қалбингизни у,  
Куйдирап ҳам сизни, эҳтимол.  
Аммо қўрқманг ёлқиндан! Мен ҳам  
Зўр ишқ билан ёнаман ёл-ёл.

Мен сизларга қадрдан дўстман  
Ва қадимдан йўлбошли, ҳамдам.  
Авлодингиз мендан нур олди,—  
Бобонгизнинг боболари ҳам.

Улар каби мен ҳам қанчалар—  
Ўзгаришни бошдан кечирдим:  
Тупроқ әдим ҳамда оқар сув  
Ҳам дарахтнинг шохлари әдим;

Мен абадий олов учқуни,  
Ўт-қуёшнинг бир заррасиман:  
Парланаман булутлар узра,  
Ер остида тинчиб ётаман;

Осоиншта яшайман гоҳо,  
Тош устида ухлайман ўйчан;  
Кийик бўлиб учаман тоққа,  
Майса бўлиб ерни қучаман...

Гапирадим кўпроқ, қўрқаман  
Эзмайкан деб аташдан әлим;  
Қоғоз учун яралмас ахир —  
Шамчироқнинг муқаддас тили!

## БУЛБУЛ

Нур сочмоқда ўн түрт кунлик ой,  
Күк саҳнида йўқ парча булат.  
Ой нурига чўмган табиат —  
Чексиз дунё қиларди сукут.

Хар нарсада жимлик ва мудраш,  
Япроқлар ҳам чиқармас товуш.  
Кўм-кўк, баланд осмондан пастга  
Ёғиларди олтин ва кумуш.

Бутун олам худди уйқуда,  
Сув қуйгандай — ҳамма ёқ сокин.  
Тоғ, тепалар, гўзал водийлар  
Товланарди кумуш ва олтин.

Оқ бўёққа бўялган каби  
Ўрмон, қоя, чексиз далалар.  
Эртакдаги сингари борлиқ  
Ой нурида — оппоқ ялтираф.

Денгиз ойнинг кумуш нурларин  
Мавжларида ўйнайди майин.

Гоҳо шувлар эринибгинә  
Тўлқин тошга урилган саини.

Яна жимлик чўкар ҳар ёқقا.  
Сукут босар бутун оламни.  
Аммо бирдан әшитилади  
Ариқларнинг шилдирагани.

Ариқларга жўр бўлиб шу он,  
Қўшиқ айтиб дарё ҳам оқар,—  
Уни қучиб оқар денгизга —  
Узоқ тоғдан тушган ирмоқлар.

Хузур бағиш этиб кўнглингга,  
Хушбўй сочиб эсар шабада.  
Бутун нарса завқдан маст-аласт  
Ва беташвиш, кўркам осуда...

У, тангрининг ёрқин инъоми  
Баҳор ойи тараиди сочин;  
У, кечани шундай ёритиб,—  
Олтин кунга айлантироқчи...

Яшилликка бурканган қалин  
Даражтлару навда-ниҳоллар.  
Анқиб ётар ҳар хил ўт-ўлан,  
Бол берувчи чиройли гуллар.

Суриларда шохдор қўчқорлар,  
Она қўйлар, қўзилар ухлар.  
Чўпон ити фақат ухламас,  
У, қўйларни ҳушёр қўриқлар.

Бирдан узоқ тоғлар устидан  
Какликларнинг келар овози.  
Шилдираган барглар тагида  
Шўх булоқлар чалади созин.

Яна... қанча овоз жаранглар.  
О, ён, қалбим, гўзал чаманда:  
Баҳор куйин булбул куйлаган  
Ажиб бахтли, ёниқ оламда!

Осмон, юлдуз, сув ва қирғоқлар,  
Табиятнинг кўркам қучоги,  
Бир дам тинчлан ва тингла қотиб,—  
Булбул ёниб куйлаган чоғи!

Мен-чи, ойдин бу баҳор кечи  
Уйқу, ҳушдан айрилиб бутун,  
Шўх булбулнинг муқаддас куйин  
Тинглаб ёндим ва куйдим бу тун.

\* \* \*

Бир боқдинг, юлдузлар „лип“ этиб сўнди,  
Қути ўчди бирдан тўлин ойнинг ҳам.  
Нигоҳинг камондай ўткир кўринди:  
Қалбим тешди, учди ақлу ҳуш шу дам.

Ана шу кўзларнинг фидойисиман!  
Шундай ўлсам, бир бор айтармикансан:  
„У бор-йўғин берди севги йўлига,  
Тангрим, ортиқ азоб бермагин унга!“

\* \* \*

Ҳар бир нарсада бир гўзаллик бордир,  
Гуллару дарахтлар, тоғлар ҳам кўркам.  
У, мева, шаробга, нонга ҳам ёрдир,  
Бор Етти Оғайни юлдузида ҳам.

Ҳамма жойда — қайда бўлса бирор жон,  
Үнда тангрининг бир ҳикмати аён.  
Аммо у санъатин кўрсатган тугал  
Сенинг тимсолингда, жоним, мукаммал...

\* \*

Шам яшашни ўрганди мендан,  
Бир учқундан лов-лов ёнишни.  
Ва ўрганди ёниб кун-кундан,  
Тантана-ла өлқинланишни;  
Аста-секин эримоқни ҳам  
Ва емоқни сўнггида барҳам...

У ўзининг нурлари билан  
Кенг жаҳонни қилолди гулгун.  
У, ғунчани гул қила олиб  
Ва булбулни айлади мафтун.  
У яшнару ялтирар, порлар,  
Шундан севар уни ошиқлар,—

Ёнар, ёнар бекарор, сўнгсиз,  
Шуъла сочар чор атрофга шан:  
Ёндиримоқчи бўлар шафқатсиз —  
Юракларни нурлари билан.

\* \* \*

Хурма, меванг менга\_бир сир айтганди,  
Хақиқий сўз билан деганди ювош:  
Дунёда шунаقا қизлар бўлади,  
Лаби гўё болу аммо қалби — тош.

Бу сўзга ишонмай аввал деганман:  
Бу гаплар уйдирма, бўхтон, мавҳумот!  
Аммо тездан буни ўз кўзим билан  
Ўзим кўриб чиндан ишондим.. ҳайхот!

\* \* \*

Нақадар келишган бу қадди-қомат!  
Гўзаллик нур сочар бутун оламга;  
Мафтун этар, кўзни узмайсан ҳеч вақт,  
Оддий кун айланар гўё байрамга...

У бошини эгди мулойим, хушҳол,  
Худди мусичадай бир қиё боқди.  
Юрагим „жиз“ этди ва бўлдим беҳол,  
Қалбимда ҳеч ўчмас бир олов ёқди.

Қўлларин нимага тенгламоқ мумкин?  
Кўкракларга жонни бермоқ — етмас, йўқ.  
Сочлар товонида уради тўлқин,  
Қоп-қора киприклар худди ништар-ўқ  
Қалбимга санчилди; қалб чиқариб сас, —  
Деди: жондан ўтди, раҳм қилгил, бас!

Кутилмаган йўлу бир бардош билан  
Ошиқларнинг барин сен этасан хок.  
Аммо киприк эмас, камон қош билан  
Бир отишда мени айладинг ҳалоқ!

\* \* \*

Етар, ортиқ азоб бермагин,  
Ақлим олиб қийнама, жонон,—  
Майин шамол тұлқинларида  
Қора сочинг қилма паришон;

Кабутардай астағув-ғувлаб,  
Сарви қомат билан қийнама.  
Ишва билан ҳайратга солиб,  
Қош учириб, жоним, ўйнама;

Ёндирувчи табассум билан,  
Боқиши билан ёқма қалбимни.  
Юрагимни доғлама, эзма,  
Ҳуснинг билан маҳв этма мени.

\* \* \*

Ёз тугади. Булбулнинг энди  
Бутоқларда куйлари тинди.  
Гул шохидагүй ғирор япроқ;  
Боғлар жимжит. Қиши ҳам яқинроқ.

Биринчи қор ерга тўшалди,  
Дараҳтлар ҳам беяпроқ қолди.  
Қор қоплаган қирлар уйқуда,  
Ер бурканиб ётар уйқуда.

Қушлар тинган. Чиқмайди бир сас.  
Фақат қалбим оромни билмас.  
Қаерда сен, гўзал моҳтоб?  
Сўраб мангу чекаман азоб.

*Андон Зако-Чаюни  
(1866—1930)*

**ВАТАН**

Туғилған жой, униб-ўсган масканим  
Аталади, дўстлар, менинг Ватаним.

Бир неча бор кезиб чиқкан қирларим,  
Хар бир тоши менга ошна ерларим

Ватанимдир. У танитди оламни,  
Шунда севдим азиз ота-онамни.

Бунда бир вақт яшаганди аждодлар  
Ва ҳозирда гўрда ётар у зотлар.

Офатларга тик боқиши ўргандим,  
Она тилда қалб ёқиши ўргандим;

Дўстлар билан сухбат қурдим мен бунда,  
Йиглаб-кулиб, сафо сурдим мен бунда;

Бу бир ерки, таништириди санамни,  
Бу бир ерки, ўлсам асрар танамни;

Ха, шунинг-чун жаҳонга тик боқаман,  
Шундай ерни, дўстлар, атайман: Ватая!

## АЛБАНИЯЛИК

Албан юртига турк очди уруш,  
Гурлайди олов!  
Қўзғол, қурол ол, уят тек туриш,  
Уч лочин, дарров!

Хўжайин учун ишлаб муттасил,  
Қаддинг бўлди дол;  
Бўронли кунда туғилган юртни  
Унутма зинҳор!

Худо иш учун яратган бизни.  
Ҳа, биз шунқормиз!  
Занжир, кишандা судралиб-ғолиб,  
Токайин хормиз?

Кутган кун келди, қўзғолмоқ даркор,  
Олгали қасос!  
Озодлик учун юргил шиддаткор,  
Қани, олға бос!

Етар энди, бас, бойга бўлмоқ қул,  
Бугун бошқамиз!

Юрт учун! Эрк деб, чиқамиз буткул  
Тоғу тошга биз.

Ярим минг йиллар ғамгин яшадик,—  
Худди зинданда...  
Қамчилар изи... фарёд бошладик  
Тундек замонда.

Христианлар ва мусулмонлар,  
Сафланинг қатор!  
Ватанга садқа бу танда жонлар,  
Ёш-қари тайёр!

Муқаддас ишда кўрсат жасорат,  
Кўтар испихон!  
Келтир ўлкага эрк ва саодат,  
Ё бўлгин қурбон!

Она юртим, чекасан фарёд  
Зулм ўтидан.  
Биламан сени — баҳтинг топталган,  
Мен ҳам баҳтсизман.

Ёв азобидан қон-қон йиғлайсан,  
Жонажон ўлкам.  
Чунки бизда йўқ аҳиллик, дўстлик,  
Ўзаро ёрдам.

Биби Маряму турк султони-чун  
Кетиб ҳар томон  
Ёшлар бўларлар, сарф этиб кучин,  
Бекорга қурбон...

Тур, Албания, яқин қолди жанг,  
Құзғол, юрт марди!  
Түркларни ҳайда, қылсын ёв аттанғ!  
Битсин әл дарди!

## **БИЗ ТУФИЛГАН ГУЛШАН**

Айт, иккимиз түфилганмиз қайси гулшанда?  
Ўсиб-униб, меҳнатни ҳеч қилмадик канда?  
— Албания ўлкасида.

Бу ҳаётда нима бизга муқаддас ахир?  
Қай нарса-чун жонни фидо этсамиз арзир?  
— Ўз еринг учун!

Қай иқлиминг болдан тотли хушбўй ҳавоси?  
Тўрт фасли ҳам ҳаётбахшdir, дардлар давоси?  
— Албания гулзорининг.

Қай ўлка у? Дил хуш бўлиб, чиқиб тузоқдан,  
Интилади қўнмоқ учун учиб узоқдан?  
— Албания диёрини.

Қайси ер у, ҳамма яшар иноқ, фаровон?  
Яшар эли топмоқ учун шодлик, баҳт ва шон?  
— Албания тупроғи бу!

Нима учун шод яшаймиз, қилиб ифтихор?  
Ким учун биз тиришамиз, ишлаб фидокор?  
— Ватан ҳамда ҳалқ-чун мангу.

\* \* \*

Сенинг ҳуснинг ўткирликда мисоли қуёш,  
Сочинг етар товонингга, силкинар тутош;  
Олма каби қип-қизилдир икки ёноғинг,  
Мафтун қилар нозик қаддинг ва юрган чоғинг;  
Тишларингни садаф десам, кўқрагинг анор,  
Кўзларингни каштан десам, лабинг — барг, дилдор.  
Билакларинг мисоли қор, гапинг-сўзинг бол.  
Жондан сени севиб қолдим, эй, соҳибжамол!  
Ҳуснинг мени ёндиради гўё бир оташ.  
Лекин қалбинг, жоним, менга ҳеч эримас тош.

\* \* \*

Томчи томиб бўлади ёмғир,  
Қор учқунлаб оқарап тупроқ.  
Шамол эсар тоғлардан фир-фир,  
Чақмоқ чақар момоқалдироқ.

Эсса эссиң совуқ бир шамол,  
Қор-бўрон ҳам сололмас даҳшат!  
Мен биландир у соҳибжамол,  
Иситади мени муҳаббат!

Ёмғир ва дўл чертса ойнамни,  
Ел қутурса — бу эмас қўрқинч,—  
Ахир ёнда ётибди ёрим,  
Шундан уйқум бўлар ширин, тинч.

## БИР ІМАКТУБДАН

Кетганимга кўп вақт бўлди, оғирдир фироқ,  
Сенга, дўстим, нома ёздим, бўлсам-да йироқ.  
Она тилинг болдай ширин, уни мақтаб ёз,  
Мақтовларинг қилсин, дўстим, қуш каби  
парвоз;

Наим каби юрагингдан самимий куй айт,  
У ҳаммасин куйлолмаган, ёзса ҳам кўп байт.  
Жим ётмасин, тушунтиргин Албанияга.  
Эрк йўлига кирсин дадил, нур керак, дея.  
Елкамиздан ғам юкини ирғитмоқ учун,  
Тўзиб кетган ўғилларин тўпласин кучин.  
Умидимиз гуллаб, юртни озод этайлик.  
Аввалгидек озод яшаб, обод этайлик.  
Қўл чўзгани қўрқиб қолсин турк корчалони,  
Айтиб бергин Англия маҳв бўлганин!  
Сал қолди Британия яксон бўлишига,  
Бир зарба етмади-да толқон бўлишига.  
Трансваалда чичқон-мушук аро жанг бўлди.  
Ғолиб чиқдик, очкўз мушук ҳоли танг бўлди.  
Минг офарин қаҳрамонга, келтирди баҳор.  
Британия бу урушда бўлди шармисор.

Шоир дўстим, Спиро, айт тугасин ғафлат,  
Албания мудрамасдан, қилсин ҳаракат!  
Қаддини у ростласин ва эгмасин бошин,  
Озодлик деб жанг бошласин қари ва ёши!

*Филипп Широка*  
*(1859—1935)*

УЧ, ҚАЛДИРФОЧ!

Уч, қалдирғоч! Сафар хайрли!  
Уч, самода жавлон урароқ!  
Миср ёқдан, денгиз орқали  
Баланд тоғлар оша қанот қоқ  
Албания — она еримга,  
Азиз шаҳрим—  
Шкодеримга!

Таъзим қилиб, учгил олис уй,—  
Шкодерга,— мен ўсган ёққа.  
Саломимни қанотингга қўй  
Ва олиб бор яшил ўтлоққа.  
Мен туғилган юртга, шаҳарга  
Таъзимимни элтгил саҳарлаб!

Учиб ўтгил қачонлар машғул  
Бўлганим у — мактаб томидан,  
Кўнгироқлар жаранглаган ул  
Юксак черков истеҳкомидан.  
Учгил олис, азиз еримга,  
Ёшликдаги  
Шкодеримга!

Гуллаб ётган боғлар устидан,  
Сойлар, қирлар, тоғлар устидан  
Қанотли ел бўлиб учиб ўт,  
Саломимни олиб учиб ўт.  
Жонажон юрт эшитсин у чоқ  
Қалб овозин,  
Сасимни янгроқ!

Кошкийди, сен билан ёнма-ён  
Енгил қушдай учсайдим мен ҳам,  
Таъзим қилиб уйга осмондан,  
Шаҳаримга суқланиб боқсам!  
Қалб мунгини бир фасли баҳор,  
Мени туққан  
Юртга олиб бор!

Шкодерга учгил бехатар,  
Фуш э Рмайт саҳросин топғил.  
У ерда, тош остида ётар  
Ўз ўғлини суйган икки дил.  
Қабр узра учиб, куйла тинч,  
Куйда бўлсин  
Ҳасрат ва соғинч.

Йиллар ўтди — уйни кўрмадим,  
Қабр узра қайғурмасман, бас...  
Қора қанот ўртоғим, сен жим  
Таъзим қилгил — неки муқаддас;  
Сокин куйла аччиқ қайғуни,  
Биргалашиб куйлайман уни.

## БИР ГРЕКОФИЛГА ЭПИТАФИЯ\*

Албан Ҷэди:

Ердаги энг аблаҳ деб ном чиқарган мажхул —  
Шахс чирийди қабр ичра; бирор дафн этган.  
Минг афсуским, албан туққан фарзанд әди ул.  
Лекин айниб, грекларга сотилиб кетган.

Халқ ичидә яшаб туриб, сотқин аталди,  
Үлганидан кейин ҳам шу лақабда қолди.

Грек Ҷэди:

Греция учун хизмат қилған тер түкиб  
Бир албанинг жасад ҳиди анқийди бундан.  
Бағояти мамнун әдик малайлигидан,  
Сотқин әди, аямасдик олтинни ундан.

Лекин... халқнинг сотқинига танга ташлаб тек,  
Итваччага жирканч билан қарапарди грек.

---

\* Эпитафия — қабр тошидаги ёзув (*Таржимон*).

*Люйдъ Гуракутти*  
(1879—1925)

**МАТОНАТ**

Чопқир ёшлик тушлари гүё  
Саратондай беиз йўқолар,  
Сочимиизни оқартиб, бўяб  
Йиллар, ўйлар ажинлар солар.

Кузатардим, хушбўй гуллар-ла  
Нафас олган бутун оламни,  
Тўймас эдим завқли кунларга,  
Ёшлигимда билмасдим ғамни.

Нурли, юксак хаёллар енгил  
Капалакдай тўзғирди бебош,  
Бахтли йиллар дердим, севиниб,  
Кўзларимдан оқмас эди ёш.

Сеҳргарлаб имларди мени  
Орзу талаб қилған Парнасга.  
Аполлоннинг калавасини  
Кўриб, қўшиқ айтдим бир пастда!

Мен қутлардим тонгни қаршилаб  
Сув шарқираб оқсан қирғоқда,

Нимфа\* олтїн гулчамбар боғлаб,  
Үйин тушар эди у ёқда!

Оч-яшил тус букнинг муздайин  
Салқинида ором олардим  
Ва узала тушиб, чор атроф  
Чиройидан илҳом олардим.

Қамиш сурнай чалиб, сувлоққа  
Қўй-қўзини чорларди чўпон,  
Уфқ бағрига олиб, қумлоқда  
Ухлаб қолдим маст бўлганим он.

Шамол гуллар баргида титраб,  
Сочларимни сийпаган дамда,  
Фаришталар уйқумни қўргаб,  
Учиб юрар эди теппамда!

У йиллар „ялт“ этиб ўтди тез,  
Фақир ҳаёт ташлади соя.  
Ғам юtingган, фурбат чўккан кез  
Яхши тушдан улар ҳикоя.

Ҳар қадамда фириб ва алам,  
Атрофимда бағри тош дунё.  
Ул орзулар хашакдай илдам  
Ёниб кетди, кул бўлди гўё...

Аммо улуғ мақсад даъвати  
Куч бағишлар менга тағин ҳам;  
Келди янги кураш навбати,  
Синовлардан ўтаман бардам!

---

\* Грек мифологиясида табиатнинг турли-туман кучларини ифодаловчи худо (*Таржимон*).

*Михаль Грамено*

(1872—1931)

### ЭРК КУРАШЧИСИГА ОҚ ФОТИҲА БЕРИШ

Сени дуо қиласман, болам,  
Дарров пўлат қиличинги тақ.  
Эрк юлдузи чарақлаб, олам  
Яшаргандай бўлди — айни вақт! •

Мамлакатнинг кўкида кўрдим,  
Нур сочарди тонгдай ёлқини.  
Албания, суюкли юртим,  
Сен озмунча кутдингми уни!

Кимки албан бўлса — кўрсатсин:  
Халқ қул бўлиб туғилмаслигин,  
Ёв олдида ёй қилиб қаддин,  
Шафқат тилаб, бўғилмаслигин!

Эрки учун олишсин тикка,  
Юрак қонин оқизсин ботир!  
Ватан яшар экан қулликда,  
Ҳаёт — ҳаёт әмас, исноддир!

Ким тиз чўкиб, осийлардай кун —  
Курса, унинг иззати бўлмас,

Кимки қурол ушлаб, юрт учун  
Жонин фидо қилса, у ўлмас.

Тур, қуролни ўпиб, қасам ич:  
Номусли эр бўлмоқлик учун.  
Жангда шуҳрат топиб әрта-кеч,  
Мард қатори ўлмоқлик учун!

Маҳкам тутиб пўлат қиличин,  
Қасам ичди ўғил — баҳодир:  
— Албания шарафи учун,  
Юртим учун жоним фидодир!

*Нәре Мъеда*  
*(1866–1937)*

### ЙЎҚОЛГАН ҮФИЛ

Ҳар кеча, ҳар кеча  
Үйқуда неча —  
Марталаб, тушимга киради уйим:  
Ёнимда ўлтирас онайизорим,  
Софиниб йиглар жим,  
Бош солиб қуий.

Бир вақтлар хуш боқиб,  
Мойчироқ ёқиб,  
Қизлари қатори қулиб оларди,  
Тиззада — ўғлининг йиртиқ уст-боши,  
Чимирилган қоши,  
Ямоқ соларди.

Бунчалик оқ ипни,  
Ажин-тиришни  
Кўрмаган эдим мен, сенда, онажон:  
Деворга суялиб, йиглайсан юм-юм,  
Ўғилни ўшал зум  
Эслайсан. Армон:

— Ҳой болам, ухлай тур,  
Пешонаси шўр,  
Олдимда ўлганинг маъқулроқ эди.  
Сўнган кўзларингга жим тикилардим  
Ва майин силардим  
Киприкларингни.

Болам, бил матлабим:  
Болари каби  
Қабринг тепасида учардим ҳар кун,  
Мозорда ўсган ўт-ўланни кўриб,  
Ёп-ёлғиз қайғуриб,  
Иzlар эдим гул.

Унга қўл чўзардим,  
Секин узардим,  
Фарзандим қалбидан унган қизил гул:  
Юзимга босардим, кўз ёш қиласардим  
Ва уни билардим —  
Бергандек ўғил.

Қалава чуватиб,  
Йигирадим ип,  
Бўз тўқиб чиқардим бедор туну кун,  
Онаси кўз юмгач, ўғли дафъатан,  
Бу бўзни оқ кафан  
Қилмоғи учун.

Онаси тиз чўкди,  
Қайноқ ёш тўқди,  
Ешлари йигилди ажинларида...

— Йиғлама, онажон, бунчалар аччиқ,  
Ёш тўқма жиққа-жик  
Ўғилдан жудо.

Сен мени улғайтдинг,  
Эркалаб айтдинг:  
„Болам, бил, мендан ҳам бошқа онанг бор.  
Бу сенинг юртингдир — Албаниядир,  
У сени боққан бир  
Она ер — диёр!

Ватанга хизмат қил  
Ҳалол, сидқидил,  
Иккинчи онангни сев ва қилгил ёд!“  
Онажон, ўгитинг эсдан чиқмас ҳеч,  
Юртимни эрта-кеч  
Дерман умрбод!

*Мидъени (Милош Дъердь Никола)*  
*(1911—1938)*

**БАХОР СЕВИНЧЛАРИ**

... Мана баҳор келди...  
Кўча бўйлаб шодлик ўтди шоша-пиша,  
Инига талпинган она қуш гўё;  
Биз кутган шод ҳаёт яшнаб ҳамиша,  
Тамоман янгидир, бегард, беқиёс...

... Қалдирғочлар қайтди...  
Улар ҳаяжонли бир қалб каби шўх,  
Учар кенг самога отилиб, яйраб,  
Қуёш-ла ўшишар ва бизни қутлар  
-Вижирлаб ҳуэурбахш ажойиб сайдраб.

... Булбул байрам қилар...  
Баҳор шарафига тўхтамас куйи —  
Юрагин тиканга урмоққа тайёр:  
Куйлари янграсин! Шу ният-ўйи,  
Орфей лирасидай ёқимли, дилдор.

... Шабнамлар ярқирап...  
Жимир-жимир ҳар томчи — симобдай ўйнок,  
Бу ҳаёт жалб этар тебраниб, имлаб.

Томчидা, баргларда акс этар уйғоқ  
Юлдуз ва нурли тонг пичирлатиб лаб...

... Баҳор, баҳор келди...  
Күча бўйлаб шодлик ўтди шоша-пиша,  
Инига талпинган она қуш гўё;  
Биз кутган шод ҳаёт яшнаб ҳамиша,  
Тамоман янгидир, бегард, бекиёс...

## ХИРГОЙИ АШУЛА

Шимол шамоли эсар, эсар ҳам ҳуштак чалар,  
Қароқчилардек қоқар қўшниларнинг уйларин.  
Эҳ, бу қўшнилар худди ёш болаларга ўхшар,  
Уларга шамол ёқар, қаршилаб олар бари.  
„Бўлсин тунинг хайрли, қани марҳамат, шамол!“—  
Дерлар ўзга бир тилда мәҳмондўстлик-ла хушҳол.

Шимол шамоли эсар, куйлар қоронғиликда  
Зўр самовий қасрлар, сут дарёси ҳақида;  
Деяр: „Сизнинг боболар  
Қозонган сонсиз зафар,  
Ҳаётин бағиш этган юрт, имон учун улар,  
Яратган дарё, қаср — на қурир ва на қулар...“

Машҳур аждодларимга ҳеч бир ўхшамайдиган  
Кўни-қўшниларим ва қавму қариндошларим  
Ёмғирда ҳам кўп хушҳол  
Суришар ширин хаёл:  
Юрт ва имон бир куни мазлумларга мангуга—  
Топширап сут дарёсин ва самовий қасрни...

Шимол шамоли эсар, эсар<sup>-</sup>ҳам ҳуштак чалар!  
Эшигимни беркитдим, беркитдим зич шуничалар:  
Тунда ёрисин ойнам,  
Музламасин қалбим ҳам;  
Сут дарёси, самовий қасрларни қумсаб жим,—  
Ҳавойи, пуч хаёллар юмдирмасин кипригим.

## ҚАШШОҚЛИК ПОЭМАСИ

Қашшоқлик — мисоли аччиқ бурда нон,  
Ютолмайсан, тошдек тиқилади у.  
Сұлғин юз, нурсиз күз, күзин ости күк.  
Жовдирапар, хайр сұрар, чүзиб сенга құл...  
Ортингдан қолади илтижо билан,  
Бир умр құл чүзиб, үлар ғам билан.  
Уларнинг устида, күкдан мақтаниб  
Мушакли минорлар, хочлар порлайди.  
Уларда яшайди поп, авлиәлар,—  
Қашшоқликни қисмат деб алдовчилар.  
Қашшоқлик бир доғдай тамғалар ўзин,  
Қоплаб олган барча аъзо-баданни —  
Күрасан юз, күзи, пешонасида,  
Елкаси, лабида, бели, күксіда.  
Үзгалар столин ёнида турар  
Қашшоқлик — нодонник, нафрат, ёвузылик,—  
Нақ интизор турар, қолар деб ўйлар —  
Очкүз ит оғзида чайнар овқатдан.  
Үлжа бұлмас унга, бор әлғиз әгни.  
Умидсиз кунлардан йиртиқ байроқдай —  
Уни судраб юрар — шудир күргани.


Жулдур тўшак-кўрпа, ит тоимис жоғи,  
Пўпанак босган тор, чолдевор хона,  
Борлиқни унудиб оллик куляди.  
Бир нафас упутай дейди азобни.  
Унда дағал лаблар ўпар, тишлашар,  
Унда чанг, ифлосда ташлар гивирлар,  
Унда сил ҳам даҳшат гажир кўкракни  
Даҳшатки, ухлатиб, йўқ қилар — ктар...  
Йўқсил, нодон, чўри туғилар бунида —  
Кўчамизга келар ზақ эрта кунда.  
Бир эмизак гўдак, кўзи кўрмас нур,  
Унга ғам кўринар тунги чироқдек.  
Ўргимчак ин қўйган нам уй ичида  
Нафасинг бўғилар чироқ дудидан,  
Чарчаб ухлаб, сезмас бола йиғисин,  
Хаста мурғак тирнар сутсиз эмчакни,  
Бахтсиз она қарғар худо, шайтонни,  
Ҳатто қориндаги боласин қарғар,—  
Унда она меҳри-муҳаббати йўқ,  
Озгин чеҳраларда бафқ урмас кулги.  
Унда боқмас юлдуз ойнага бир зум,  
Бешикни аллалар кулфатнинг ўзи.  
Бойлар дарбозасин олдида турар  
Қашшоқлик гадойдек, эгни кир, йиртиқ.  
Оч қолган болалар олмайди кўзин  
Бойлар ухлаб ётган уй деворидан.  
Болалар тез ўсар, бошлар оғир иш  
Ва тезда ўрганар муштдан қочишни —  
Бир муштки очларнинг кўзига тунда  
Овқатдай кўринар жон талвасада.  
Болалар чеҳрасин табассум әмас,—  
Ўлим забт этган, қилиб заъфарон.

Ўлгáн болалар қоқ ерда ётишар —  
Гармсел қуритган майсадек сариқ.  
Фақирлар ишлашар кеча ва кундуз,  
Оқар тер чакиллаб пешонасидан.  
Фақирлар юқ ортар тиззасидан лой,  
Шўрвадан ичаги ёпиша бошлар.  
Кундузи шоҳ тортиб, тунда ухламай  
Олар фақат уч лек ноилож, ноchor!

Гоҳ қашшоқлик қийнаб мажбур қиласди —  
Лабларини бўяб, юзида упа,  
Ясантириб танин, ўзин сотади, —  
Ҳар кеча ҳар йигит-ла бирга ётади...  
Эвазига олар иккита франг  
Оқибатда ифлос — чойшап ва қалби.  
Қашшоқлик наслга қолдирар мерос —  
На сарой, хазина, на мол, дунё-пул,—  
Томоқ сили, рапит, қийшиқ умуртқа  
Ва баъзан бошдан ҳам ажрайсан буткул.  
Кечаси ухлайди зах бостирамда,  
Тутдай тўкилай дер кўк ларзасидан  
Қарсиллар тўсинлар, ёрилар девор,  
Ўлим ёстиғида ётган одамдан  
Эшитилар ингроқ, сиғиниш, сўкиш...  
„Ким гуноҳкор бўлса — худо жазолар“, —  
Дер поплар мозорда, сўзлари қўрқинч.  
Авлоддан авлодга қолади мерос  
Лаънати бахтсизлик ўзгармай ҳечам.  
Гадо овинчоги — майхона бўлар,  
Исқирт бу маконда, стол ёнида  
Майдан қулт-қулт ютар, боши айланар, —  
Ғуссасин тарқ этмоқ унинг мақсади.

Қи п-қора қуйқум май худди заҳардай,  
Эркалар ва яна чақар илондай.  
Одамни йиқитар лой, балчиқ демай.  
Кулиб, йиғласин-чун бу бир бечора,  
Косага қуйилар майни тұлатиб,  
Қашшоқлик ғамидан қутулмоқ учун.  
Баъзан умид болқир, юлдуздай порлаб,  
Лекин чақмоқ чақиб уни йүқ қилас.  
Гадой-чун севинч йүқ, доимо адам,  
Бу шундай аламки — жинни қиласы:  
Шу деб арқон топиб, ўзни осилар,  
Арқон топилмаса судга тушилар...


Йүқ, шафқат сўрашмас! Улар ҳақ мутлоқ!  
Қувлик, муғомбирлик, ширин пуч сўзлар  
Одамга арзимас, чақа келтирадар.  
Қашшоқлик —  
Тамғадир шўр пешонада,  
У билан биргамиз, ҳеч ажролмаймиз,  
Черковнинг латтаси биланмас, уни —  
Пешонадан албат артамиз, қолмас.





# ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК АЛВАН ПОЭЗИЯСИ





*Камол Страфа*

(1921—1942)

### ҚҮНФИРОҚ ҚҰШИГИ

Қандай совуқ бүлар наҳор счларга!  
Оппоқ сочли бошин чайқаб юради...  
Янги тушган ҳашаматли черковга  
Мұхтожликдан мункайған чол киради.

Очни уйқу түйдирмайды ҳеч қачон.  
Чарчаб туриб, тунги бетинч уйқудан,  
Жомхонанинг әшигини очади.  
Сүнг chalаркан қүнфироқни шу замон,—  
Кун бошланди,— деган хабар сочади...

Ёришар кун, тун қораси чекиниб,  
Жомхонада гадо, ғарип ва қүрқоқ,  
Озғин у чол арғамчига осилиб,  
Әртадан-кеч тинмай chalар қүнфироқ.

Илк саҳарда уйқудаги шаҳарни  
Ҳалқа-ҳалқа кумуш тұлқин босгандай,—  
Кулоги кар ва юраги дов бермай,  
Озғин бу чол — баҳти қора ҳам бемор,

Пешонадан артиб иссиқ терини,  
Йўталади, сўнг жом чалгани борар.  
Осилади аргамчига қайтадан.  
Босиб кетар қўнғироқнинг товуши  
Болаларнинг йиғисини, оҳини,  
Касалманд чол йўталишин-ўқчишин.

*Шефтет Мусарай*  
(1914)

**„БАЛИ КОМБЕТАР“НИНГ ҚИССАСИ**  
(Парча)

Кема қарс әтди, ютар,  
Федерал, денгиз қаъри!  
Жонингни ҳовучлаб қол,  
„Бали“нинг йигитлари!

Фашизм яксон бўлди!  
Ўзга бир давр, замон.  
Нажот йўлини қидир,  
Қолайин десанг омон!

Римнинг довруғи қани?  
Қайда у Муссолини?  
Оҳ, ер ютиб ҳаммани,  
Кўринг энди ҳолини!

Зир қочди у Париан  
Серҳашам саройидан,  
Кўздан йўқолди Бибан  
Синьор Далмацо билан...

Халқ пинжига кириб ол,  
Дардингга изла даво —  
Бошқача эсар шамол,  
Бошқача ҳатто ҳаво.

Мушкулмас, қарсиллатиб  
Икки марта ўқ узмоқ,  
Ер-сув, мол-мулкимизни  
Тортиб олгаймиз у чоқ!

Шундоқ қилмасанг, дәхқон  
Саволга тутар бизни.  
Товлай олмаймиз унда  
Жазодан бўйнимизни!

Сўйилини кўтариб,  
Дәхқон келар бу жойга,  
Бақрайнб, бунақа дер  
Помешчик — катта бойга:

„Хўш, мен қурол кўтариб,  
Эрк учун курашганда,  
Халққа нафъинг тегдими,  
Виждан бормиди санда?“

Кўз очиб-юмгунингча  
Орани очиқ қиласар.  
Үлмай туриб, устингга  
Гўр тупроғи тортилар.

Халққа суркалиб, гўё  
Халқнинг гамин еяйлик  
Эркни сизга ўзимиз  
Инъом қилдик, деяйлик.

Олдинги „дўстлар“ни-чи, —  
Ўқса тутайлик шаксиз,  
Йўқса, улар қатори  
Қора ер бўлажакмиз.

... Айғир ҳаром ўлди-ю, .  
Тўртта туёғи қолди:  
Балистлар тақасини  
Дарров кўчириб олди.

Алибей ҳайқиради:  
— Юрт учун отил, жангга!  
Бизнинг шавкат, шараф ҳам  
Ярашади ватанга.

— Ахир, биз ҳам албанмиз,  
Томирда албан қони.  
Хорижийлар бизга ҳам  
Аямади жазон!.

Фашистлар тепкилади  
Биздак шўрликларни ҳам,  
Ё қатл қилиб, ё шилиб,  
Роса ўтказди аlam.

Қани, ёронлар, собиқ —  
Дўстларга ўт очайлик,  
Ўзгалар шавкатини  
Устимиздан сочайлик!..

Боқ, „Бали“ шоввозлари  
Келишар беандиша,  
Қўлларда милтиқ эмас, —  
Қадаҳлару май шиша.

Устивошлари башанг:  
Қадама кўкрак кўйлақ,  
Соявон, фрак, қўлқоп,  
Оёқларида чувак.

— Қани, кетдик урушга!  
— Боплаб бир урушамиз!  
Биз бор — халқнинг ғами йўқ,  
Халқ деб, ўтда пишамиз.

Базм қиласар гувиллаб,  
Закускабоп тамадди,  
Қадаҳлар жаранг-журинг,  
Столга май томади.

Аблахларнинг кайфи чоғ:  
— Симир, ўйна, эси паст!  
Биз халқни деб ичяпмиз,  
Ҳазилакам гап әмас!

Жангга ташлансак агар,  
Тоғлар талқон бўлади!..  
Уларнинг мақтоворидан  
Кишлоқ қотиб кулади.

Таажжуб, ҳайронда эл:  
— Бу қанақа мұъжиза?  
Қай пароход қаёқдан  
Рўпара қилди бизга?

— Бир гап айт, бобо Цени,  
Үқдингми улар сўзин?  
— Улар-балист, қутасдай  
Сояга урар ўзин.

Бизнинг янги ошнамиз  
Иссиқлаб қолган чиқар.  
„Хоин ўлсин!“ деса ҳам,  
Турқидан эл ҳайиқар.

— Хўш, улар кимлар бўлди?  
— Хоинлар шулар ўзи.  
„Деҳқонлар, сиз томонмиз!“ —  
Деб алжир, ёлғон сўзи.

Зимдан пичоқ қайрашар,  
Дилида қора ният.  
Йўқ, улар учун эмас,  
Биз тузган ҳокимият!

— Улар ҳар хил сultonning  
Фармонин этиб адо,  
Деҳқонларнинг кифтида  
Ўлтирди, қилди гадо.

Энди эса қаншари  
Қонаган кўппак каби  
Ҳуриб келди, бизларни  
Тўзон қиласа ғазаби.

Қаҳрли Цени бобо  
Шуларни қилди баён:  
— Жин урсин ҳаммасини:  
Бизга қилири аён!

\* \* \*

Бу ерда қон тўкилган,  
Очликдан нимжон тана.

Партизанлар жанг қиласы,  
Тоғлар уларга пана.

Халқ шарафин улуғлаб,  
Үтдан ёниб чиқишар,  
Империяни ҳайлаб,  
Отиб, гүрга тиқишар.

Оч-наҳор, совуқ қотиб,  
Ёмғирда ивіб роса  
Юрган мәрдлар, қуролни  
Бағрига қаттиқ босар... .

Уларнинг қўргони — тоғ.  
Қалблари қалбларга пай,  
Кулиб, қўшиқ айтишиб,  
Жанг қилишар биракай...

— Тўхтанглар, оғайнилар!  
Қандай одам анувлар?  
Тартибсизларни бунга  
Дайди шамолми қувлар?

Шошиб-пинғанча нега  
Тоғларга тирмашишар?  
Тўй тарқалгач, қўрага  
Шунчаларми шошибар?

— Балистлар-ку, балистлар  
Кутмаган эдик бу кун!  
Тоғларга от чоптириб,  
Келишар улар нечун?

Митата лақабли у —  
Люмо ўзи келибди.  
Дипломат фракини  
Хўп ўхшатиб кийибди:

— Албаннинг куни туғди,  
Кунларки — улуғ, порлок.  
Итальянлар жабридан  
Тоқатимиз бўлган тоқ.

Квестура, квеслинг  
Дастидан ўлдик биз ҳам,  
Айғоқчилари бизга  
Ўтқазди зулм, ситам.

Жафокашнинг бири ман,  
Қўзимда ўч учқуни:  
Ёниб қўйишган, ахир,  
Дўконимни бир куни.

— Мен ҳам озор кўрганман,—  
Луқма ташлар Дости жим,—  
Министр бўл, дедилар,  
Йўқ, министр бўлмадим.

Файк Тюку бақирав:  
— Милот жанг жадали —  
Чоғи, етти юз асир  
Олганим эсда ҳали.

Улардан мен келгунча  
Фақат еттоби қолди,  
Бошқалари зир қочиб,  
Туман каби тарқалди...

— Биз ҳам ўз нонимизни  
Ҳалоллаб еганмиз! — деб,  
Аюданос соларди  
Юртфурушлар энтикиб...

Хўжайину корчалон,—  
Бир гала жирканч одам  
„Террор қурбонимиз“ деб,  
Шанғилларди дамба-дам...

Қаҳрамон бўлмоқликни  
Дилга туғишиб олди,  
Гўё айғир ўлди-ю,—  
Тўртта туёғи қолди.

Эмиш: улар курашчан,  
Эмиш: улар баҳодир,  
Келгиндининг таъзириин  
Бермоққа гўё қодир.

— Сизлардан талаб битта:  
Қачон уйга қайтасиз,  
Бизни ҳам тоғу тошда  
Урушган деб айтасиз.

Ўласи бўлган ёвға  
Қарши, кўкрак керамиз,  
Халққа озодлик йўлин  
Биз кўрсатиб берамиз...

Цени бобо „Бали“ни  
Мазақ қиласи бирпас:  
— Ерни сиз чопмадингиз,  
Хосили сизникимас.

Бизга мансуб каштанлар  
Сизга буюрсин дея  
Партизан бўлганимидик?  
Йўқол, ифлос шумғия!

*Димитр Шутерики  
(1915)*

**ПАРТИЯ, СЕНГА ШОН-ШАРАФ!**

Жонажон ўлкамда ҳур албан халқим  
Тоғларнинг тагидан ўтқазмоқда йўл.  
Қалин қояларни кесаркан гўё —  
Қуёш нури каби тешиб ўтар ул.  
Тинимсиз янграйди шод меҳнат саси.  
Мустаҳкам тоғларнинг бағри гранит,  
Жило берар унга қўллар кетма-кет...

Тошлиар санчилса ҳам мускул, томирга  
Қўлларим тўхтамас, тўхтамас асло.  
Тездан туннель қурмоқ — бизнинг муддао.  
Муҳим ишлар тураг ҳали олдинда:  
Мана ёшлар темир йўли қурилиб,  
Катта бир баҳт кулар кўзим олдида...  
Энди ер қаъридан оламиз дадил  
Мис, хром ва тилла — барча бойликни.  
Бойлик-чи — бу ерда беҳисоб, ҳар хил!

Шу кундан бошлабон тоғларга мангу  
Ҳур-озод инсоннинг ўзи хўжайин.  
Бунинг-чун, партиям, сенга ташаккур!

Азиз албап ери яшнар кун сайин;  
Қад күтар, нефть шаҳри, янгидан,—  
Патос!

Минг-минг нефть қудуғи бунда.  
На тангри ва на Рим, на Вашингтон  
Ёрдам кўрсатмади бу қурилишга.  
Озод халқ қадрдан ўз ўлкасида  
Ўз кучи, ўз ҳалол меҳнати билан  
Янги нефть шаҳрин барпо этди тез.  
Қани, жўш уриб чиқ, отил эй, нефть!  
Энди жодугарлар аврамайди ҳеч,  
Энди паришталар ўтмас устингдан.  
Энди зафар гимнин куйлади мотор,  
Тракторлар куйлаб янгроқ, баралла,  
Ҳаёт қўшиғига бўлишади жўр.  
Тракторлар нима ҳақида куйлар?  
Сенинг ҳақингдадир, шонли партия!

Ҳур ўлкам, жонажон Албаниямда,—  
Далалар қўйнида кезар комбайн.  
Машиналар ўтар экинзорлардан.  
Бу ерлар бир вақтлар тутарди мотам—  
Зор йиғлаб,— қонлардан, оху зорлардан.  
Бу қонлар оталар, боболар қони,  
Авлод-аждодларнинг қийналган жони...

Бугун шодлик кезар кенг далаларда.  
Ўстириб кунгабоқар, пахта ва донни;  
Серсув каналларда жилваланар у,  
Акс этар гулларда, чироқдай ёниб...

Ўз ерига халқим ўзи хўжайин!  
Далалар эркиндиндир, яшнар, кун сайин,  
Бунинг-чун, партиям, сенга шон-шараф!

Божиграддан тўплар овози келар,  
Ператда пулемёт тинмай тариллар —  
Албан чегараси шу ердан ўтган.  
Фашистлар ўрмалар,  
Улар ҳоливой,  
Уларга албан ери бўлмас макон-жой —  
Ёвлар бунда фақат топар гўрини!

Жонажон ўлкамда, Албаниямда  
Халқим йўл қурмоқда кесиб тоғларни;  
Тракторлар ҳайдаб бўз ерлар очар,  
Барпо этар нефть шаҳри, боғларни...

Кенг туннелдан ўқ каби —  
Учиб ўткин,  
Бизнинг янги, машҳур, темир йўлиминиз —  
Адриатикдан Владивостоккача!

Кўтарилинг кўкка, завод трубаси,  
Бир қулиб қўйинг-чи, кунгабоқарлар,  
Оппоқ очилган эй пахта даласи,  
Нақадар гўзалсан, лабда кулкинг бор.

Сени ҳам, маккор ёв, унутмаганмиз.  
Қўлимда винтовка, турибман тайёр!

Шарқдан ҳаёт келар кун нури билан.  
Мана етиб келди тоғ орасига.

Қутлайман ә ҳаёт, қутлайман қалбдан!  
Тезроқ айланиб чиқ бутун ер юзин!  
Бизга Москвадан нур сочар қуёш  
Қуёшга кўз тикиб боққанимиз-чун.  
Партия, сенга шон-шараф!

Алекс Чачи  
(1916)

### ТЕРЕК БЎЙИДА

Терек қайнаб келар бахтидан мамнун,  
Тоғлардан тушади пояма-поя.  
Неки эшитганин, билганин ҳар кун  
Қувноқ қўшиғида қиласар ҳикоя.  
Улкан Казбек туарар қудратли, мағрур,  
Бу асов дарёнинг ижодкори у.  
Бироқ колхозчилар бўғиб дарёни,  
Инсон фойдасига оқизди мангур.  
Сен, одам ҳукмига қулоқ сол, Терек,  
Соз ва ёрқин турмуш гувоҳисан сен.  
Қайғулар абадий сўнган, йўқолган,  
Бахтиёр халқингнинг ҳамроҳисан сен.  
Ташаккурлар айтсанг, арзиди бу кун  
Бахтга йўл очганлар илму кучига,  
Муъжиза яратиб оддий кишилар,  
Табиат устидан бўлмоқда эга.  
Албанлар юртида сингилларинг бор,  
Шкумбини — дерлар бирининг номин...  
Сиз мангур биргасиз, қондош, жигарсиз,  
Қайтгач, топшираман ўтли саломинг.

## КЕНУРИОС НИКОЛАОС

Кўз олдимда турар таниш юзларинг,  
Сўзинг қулогимда янграп эрта-кеч.  
Қайси зах турмада ўтмоқда умринг,  
Айт-чи, тирикмисан? Сен ўлмайсан ҳеч!

— Коммунистман. Грек ҳамда коммунист.—  
Шундай жавоб бердинг бораркан сўроқ.  
Ўлимга тик боқдинг, қалбда буюк ҳис,  
Партия байробин тутиб баландроқ.

У таниш чеҳрани унутмайман, йўқ!  
Кенуриос, зўр эди сендаги бардэш,  
Ёвларга ҳеч қачон сен эгмадинг бош.

Иўқсизлик ва қайғу улғайтди сени,  
Бошқача бир қисмат тутмади қўлинг.  
Қалбда ардоқладинг ҳурлик ҳиссини,  
Партия ўргатли—курашчи бўлдинг.

Узоқдан йўллайман буғдой донасин,—  
Озод меҳнат билан унган дондир бу.  
Душман пичоғидан ҳалок бўлдинг сен,  
Сени ўлди демоқ бўларми тўғри?

**Сен ахир тинчлик-ку! Ўлмайсан мангу!**

*Коль Якова*  
(1917)

**ВИГ ҚАҲРАМОНЛАРИ**

Виг устида бу қандай гулдурак?  
Бу—Деда душманни қийратар бирдак.  
Дўстлар-ла ёнма-ён жанг қилар ботир,  
Ёш партизанлар ҳам курашаётир.  
Анов харсанг тела бўлди қизил қон,—  
Коммунистлар қасамни бузмас ҳеч қачон!

Майлига, эшитсин Мирдит тоғлари,  
Эшитсин Марқ, унинг шум олчоқлари;  
Бизнинг ғалабамиз келсин деб яқин,  
Деда ёв устида чақнатараК чақин!  
Ўқлардан ёвқурлар ҳайиқмас асло,  
Ўлимга ҳам улар тик боқар ҳатто.  
Мабодо тесса ҳам бирор ғайри ўқ,  
Оғриқдан инграмас мардлар асло, йўқ!  
Бу ўлим баҳсида душман ҳоливой,  
Сен ҳам, Пъетер Лёши, жонни бердинг бой!  
Гарчанд илиндилар ёв тузофига,  
Аммо йўқотишмас ўзларин бироқ.  
Ёвни қийратдилар яна қаттиқроқ.

Пъетер Лёши қалқди майдонда шу пайт  
Ва партизанларга бақирди шундай:  
— Тұхта, эй йигитлар! Құлни күтар тез,  
Маркадён буюрди — сизлар асирсиз!  
Қуролларни ерга қўйингиз илдам!—  
Бўғиқ чиқар эди унинг сўзи ҳам.  
Йигитлар ер қучиб ётишди шу чоқ:  
— Гар ўқдан қўрқмасанг, келчи яқинроқ!  
Ндоц Деда кузатди барча томонни,  
Шимолдан жанубга қадар ҳар ённи;  
Партизанлар ётар курашга тайёр,  
Қаёққа қарама — қуршаган маккор.  
Аҳвол чатоқ, энди қандай чора бор?!

Ндоц Деда қўлига олди гранат,  
Бекорга жонини бермас мард фақат.  
Ёнида йигитлар ётар шиддаткор,  
Душманни сўнгги бор қиришга тайёр.  
— Ёвга айтмоқчиман икки оғиз гап,  
Сўз ҳам ғаддорларни жазолар боплаб.  
Сўнгра ўлсак майли, ёвни этиб даф.  
Неча бор бўлганмиз жангда-чақинда  
Ва кўп әшитганмиз Камол ҳақида.  
Войо ва Перлята мисоли биз ҳам  
Ўлишга тайёрмиз, чекмаймиз ҳеч ғам.

Дўстлар унга жавоб беришди яққол:  
— Ндоц Деда, сўзингни майли айтиб ол!  
Шундай бир оташин сўзлар танлагин,  
Ёвни ҳаловатдан маҳрум айлагин.  
Қизиган чўғ бўлиб сенинг ҳар сўзинг  
Куйдирсин муттаҳам у Маркнинг кўзин.

Милетли Дедамиз қичқирди шу он:  
— Минг лаънатлар сенга, абраҳ Маркадён!  
Сенга топширмоқлик учунми, айт, биз —  
Ушбу қуролларни қўлга олганмиз?  
Бу орзунгга асло етмайсан, иблин!  
Биз — эрк-чун жанг қилган партизанлармиз,  
Хур Албанияга чин фарзандлармиз;  
Ватанни ёвлардан сақлаб қолмоқ-чун,—  
Мана, беш йилдирки, жангдамиз бутун.  
Беш йилки, тоғларни макон айладик,  
Италян фашистин яксон айладик.  
Немис фашистин ҳам бошин янчамиз,  
Сизга ҳам, сотқинлар, найза санчамиз!  
Келгиндилар бизни енголмас абад,  
Россия — курашда бизга зўр мадад,  
Аччиқ сўзларимга қулоқ сол, сен ит,  
Халқимиз сотилмас — яхшилаб эшиш!  
Хозирда, Лёши ва машъум Маркадён  
Бозорда сотилар, нархи-чи арzon;  
Қанча ҳам турарди дейсиз бу ҳайвон!

Қанча жонларга сиз жаллод бўлдингиз,  
Энди чўрт қирқиған қонли қўлингиз.  
Италянларни ҳам маҳв этолдик биз.  
Энди немисларнинг шум солдатлари  
Автомат ўқталиб келар биз сари.  
Қутурган ҳўқиздай ҳар ён аланглаб,  
Этиқ-ла еримиз руҳини чанглаб,  
Улар ёндиromoқда кўп қишлоқларни,  
Аёвсиз оқизиб қон булоқларин.  
Охирини ўйланг, фашист бўрилар,  
Сизга ҳам ашаддий дорлар қурилар!

Боболаримиз берган туркларнинг додин,  
Қилич-ла қиймалаб босқинчи зотин,  
Душманга бермаган юртин-ҳаётин!  
Босқинчи, сотқинни боплаб урмоққа  
Хозир ҳам албан эли турди оёққа.  
Халқ хўжайин ўз Ватанига,—  
Зарба бера олур ўз душманига,  
Чунки, Партиямиз унга раҳнамо.  
Бизни қуршаганлар, бир билинг шуни,  
Маркадён — пул учун ёвлар тутқуни.  
Тезроқ қуролларни ташлангиз ерга,  
Виждан ва шарафни совурманг елга.  
Кимки бизга қарши ўт очса агар,  
Қонимиз сочилур мисоли заҳар!  
Нима ҳам дер эдик! Шум Марк туфайли  
Бизга ўт очсангиз, очингиз майли,  
Хонн Маркадён-ла бўласиз бирга  
Ва лаънат ўқийсиз бир кун тақдирга!  
Лёши Пъетер, сен не узмайсан ўқ?  
Бу сўзларни бекор айтмаяпман, йўқ!  
Ўлим ё зафар бор мардлар олдида...

Шу сўзларни деди душманга Деда.  
Сўнг тошлар ортига ястаниб шу он,  
Ботир жангчиларга бўлди ёнма-ён.  
Сўзларин устидан чиқмоққа тайёр,  
Ўлимни енгишлик шижоати бор.  
Нега ўқлар саси чиқмайди янграб?  
Душман орасида рўй берди не гап?  
Ғазабдан тутоқар Пъетер Лёши,  
Титрар, маҳрум бўлиб ҳузур, тинчидан,  
Япроқдай силкинар ичи-ичидан.

Бақирап дарада, ортиб ташвиши:

— Сафга қайтиг тезда, аблაҳ — палитлар,  
Жон асраб қаёққа қочасиз, итлар!  
Құрқоқлар, адабингиз бермасам гар ман,  
Пъетер Лёши номим бошқа қўяман!—  
Деҳқон йигитлар-чи? Жилмас бир қадам,  
Үқ узмай туради кўп миљиқлар ҳам.  
Билинди, Маркадён барин куч билан  
Ўзин тўдасига тўплаган экан.  
Йўқса, нечун жангга киришмас улар,  
Зўраки ёлланган шўринг қургурлар!  
Шунда бири дейди:

— Пъетер, қулоқ ос,  
Яшамоқдан ҳали кечмаганимиз воз.  
Партизанларга биз кўтармаймиз қўл,  
Истасанг, ўзинг жанг қилганинг маъқул.  
Деда йигитлари азamat, кучли,  
Истамаймиз уларнинг қонин тўкишни.  
Мирдитда лаънатга учрайин десанг.  
Яхиси, ўзгинанг қила қолгил жанг.

Душман ҳалқасида қўзғолди сурон,  
Ким отар, ким отмас — барчаси аён.

Дейишар:

— Беҳуда жанг қилмоқ етар,  
Лёшини дўзахга итқитсак нетар?!

Шунда Наим чиқди ёвга юзма-юз  
Ва лабидан учди шундай кескин сўз:  
— Урушқоқлар! Пъетер тўқиган сиртмоқ  
Сизни ҳам бир куни қилади ҳалок.

Сизни хоин этиб у „иш“латмоқчи  
Ва бизларга қарши гижгижлатмоқчи.  
Шаддод қасос чоғи яқиндир, билинг,  
Гуноҳкор бўлмоқдан ҳозир қутулинг.  
Пъетер ҳузурида сиз тиз чўксангиз,  
Бизнинг қонимизни агар тўксангиз  
Мирдитда қасосга дуч келасиз сиз!

Жасур Намин билан туриб ёнма-ён,  
Қаҳрамон Хожия сўзлади шу он:  
— О ғариб Мирдита, о она-тупроқ,  
Ҳар уйингда биттадан ошмайди туёқ,  
Бечора халқинг-чи? Ҷон-дунсиз, қашшоқ...  
Яхши тақдир бизга бўлмаган насиб.  
Орош саройига ташлагин назар,  
Дён чодирлари кўзингни олар.  
Дённинг ўзи-чун ҳеч бир қонун йўқ.  
Қашшоқ қони билан у ҳамиша тўқ.

Азиз юртимиизга бир назар ташланг:  
Ҳар қадамда мазлум элнинг қабри бор,  
Буларни ким отган, қайси бир ғаддор?  
Ким чақирган ётлар ҳамда душманни,  
Ким сотмоқчи бўлар бизнинг албанни?  
Халқ учун бу кунлар гоят қайғули,  
Албатта кесилур сотқиннинг қўли.  
Сотқин — Маркадён. У, бурчакдан отар  
Ва бизга ёлланган қотил жўнатар.  
Қонхўр ва талончи муттаҳамдир Дён,  
У бор экан — ором билмас ҳеч бир жон!

Маркадён қоғозга бармогин босиб,  
Ватанни сотишни кўрар муносиб:  
Кимки истар бўлса, сотиб олармиш,  
Шунда Маркадён бой бўлиб қолармиш.  
Дён ҳеч эришмас ўз мақсадига,  
Халқ эга бўлган ўз мамлакатига.  
Халқни уюштирди зўр Партиямиз,  
Тамом бошқачадир Албаниямиз!

Пуч орзу-умидни ташлангиз, рости,  
Кроси, Митат-бег ва Ҳасан Дости.  
Сиз кутган даврлар битгандир абад.  
Бечиз курашдикми бутун мамлакат!  
Эрк учун жанг қилдик барча: кекса-ёш,  
Лочин Партиямиз бизга бўлди бош.  
Бизникилар тураг Эльбасандга ҳам,  
Диброда куйимиз янграйди бардам.  
Курашмоқда ҳозир эрлар, хотинлар,  
Уйғонди даралар, тоғлар, водийлар.  
Фашист солдатлари қочиб, излар ин,  
Гранатларимиз тегиб, ёқмоқда барин.  
Шаддод қасос чоғи яқиндир, яқин!  
Жангда партизанлар кеча-кундузи,  
Шапкаларда порлар зафар юлдузи.  
Босқинчи тўғрилаб қолди жуптакни,  
Ортидан ғизиллаб қочмоқда танки  
Ва мағлуб бу лашкар билан изма-из  
Қочмоқдадир собиқ „улуғ“ларимиз,  
Атаманингиз ҳам шундай бўлади,—  
Партизанлар қўлида албат ўлади.  
Лёши ҳам ўлади у билан бирга.  
Иккисин тиқамиз битта қабрга!

Шундай деди ёвга Аҳмед Ҳожия,  
Лекин ёв лом демас—тош қотган гүё...  
Фоят таъсир этиб уларга бу гап,  
Ндоц Дедага қарши юришмас албат,  
Уй-уйга қайтишдир ягона мақсад:  
Етар, дейишади, жанг қилдик йиллаб!  
Лашкари тарқалиб бораркан ҳар ён,  
Пъетер аламдан қутурар шу он:  
Кимки қайтмас экан орқага агар,  
Бола-чақасидан қолмайди асар,  
Бошингизга солгум кулфатли тақдир,  
Қиймалаб ташлайман ҳаммангизни, дер...  
Маркадён эшитиб бу шум хаబарни,  
Махлуқдай бўкирар қўрғон ичидা.  
Қўрқувдан билмайди нима қиларин,:  
Ғазаб билан ёниб шундай пичирлар  
Ндоц қаршисида ожиз Маркадён!..  
Жасур партизанлар бўйсунмас ҳеч он!

Шундай бошланганди бу ишлар Вигда...

Зини Сако  
(1912)

КОМИССАР

Яраланган,  
кўзин юмди...  
Оғзи мисли ёнар кўмир,  
Юзи гўё алнга бир,  
Бош узра тош,  
кор уюм-ди —  
Атрофида қизил, қонли.  
Шамол дайдиб эсар қирдан.  
Ўтиришар эди бирдай  
Ўртоқлари қаҳрамоннинг.  
Чўзиқ-чўзиқ увларди ел  
Кор қоплаган бу чўққида;  
Қон қотмаган бу чўққида,  
Кор қотмаган сернам ва ҳўл.  
(Ҳа, ўқувчим, қулоқ солинг:)  
Чунки қор ҳам, чунки ел ҳам,  
Ҳатто бевақт қуйган сел ҳам  
Ҳамроҳ эди — бир қуролдек.  
Ёнар эди ботирларнинг  
Мангу сўнмас юраклари!

Порлар эди кўқраклари  
Ёритгудай адирларни...

II

Мотам чўккан шу чоқлари  
Артиб қўяр ўртоқлари  
Дастрўмол-ла пешонасии.  
Дастрўмолки гулгун, гулдор:  
Ўроқ-болға, юлдузи бор—  
Содиқликнинг нишонаси.  
Шапкаларда қизил юлдуз,  
Ҳамма боқар ғамгин, сўзсиз;  
Юраклари эзиларди.  
Ўч олмоққа жўшаркан қон,  
Чеҳралардан бир ўтсимон  
Қаҳру ғазаб сезиларди.  
Қаҳру ғазаб бениҳоя,  
Биринчи ўқ билан боя  
Яраланган дўст комиссар.  
— О, меҳрибон, чин қаҳрамон,  
Бўлма рози—аясак жон,  
Беҳуда қон томизсак,—  
Қичқиришлар, йўталишлар...  
Қасос истаб кўтаришар,  
Қўлларини кўкка қадар.  
Шапкадаги ол юлдузлар  
Албанияга кундузлар  
Бағиш этар, бағиш этар.  
— О, она, сен келгил тезроқ,  
Ўғлинг кутар бўлиб муштоқ  
Бу тоғларда, бу тоғларда.  
Сен кўрасан бунда туриб

Ҳаниг тақад қўйган миуда  
Порташни ғроҳмарда.

### III

Эшилди төз она буки  
Ба отланди ўсли томон.  
Топди қорти у чўқинни;  
Ётэр мана чин қаҳрамон.  
Чекинмасдан, бўнинг учта  
Отряди-ла жанг қўилган у.  
Тиши билан буюк куч-ла  
Портлатган зўр запал. Ўйқу —  
Билмаган ҳеч, граната  
Улоқтирган душман сари.  
Халқи учун қон тўкканда,  
Кирган ёвнинг қўймай барин.

### IV

Ётар экан у ярадор,  
Деган: „Келар бунга онам.  
Қарши олинг, йиғласа зор,  
Овутинглар өиз ўшал дам.  
Айтинг унга: ўлсам ҳам мен  
Яшайман тун-кундузларда,  
Ўтлоқларда, қишлоқларда,  
Жангчи таққан юлдузларда.  
Сўрса кейин мен қаерда,  
Қаерларга яшринганиман,  
Денглар: ерим кенг қабрда,  
Руҳим бўлса сизлар билан.  
Ингламасин мени ўйлаб,  
Қўшиқ, айтсин, жонажонлар.

„Дўсти кимлар?“ деса сўраб,  
Айтинг: сизлар — партизанлар!  
Хайрлашув чоғида мен  
Не деганим сўрса агар,  
Айтинг: кўзга дастрўмолин  
Обормасин, ёш-муътабар.  
Бошин мағур тутсин онам  
Қалбимда ўт бўлганидан,  
Ҳатто жоним партиям-чун  
Бағиш этиб, ўлганимдан...  
Сўраб қолса ўч олганим  
Ё сиздаги зўр қасосни;  
Айтинг: жангта тайёрмиз, деб,  
Ўйламай ёз ё аёзни.  
Агар сўрса бошим узра  
Шам ёрқинроқ ёнганни, деб.  
Айтинг: юлдуз порлаб турган,  
(Фамим онам юрмасин еб).  
Бир юлдузки, Кремлнинг  
Нурларидан шуъла олган.  
Қувонтирас ошно дилни,  
Шапкамизда чўғдай қолган.  
Кўраман мен онамни,  
Ватан, ҳовлим, хонамни;  
Кутволаман; наvrўзни,  
Минг-минг қўриқ ва бўзни,  
Қор қоплаган тоғларни,  
Кенг бўшлиқлар, боғларни...  
Деса онам: энди қайдан  
Топарман, деб, мадодкорим;  
Денглар: ўрмон, тоғ, тўқайдан  
Соисиз ўғил топилар деб.

Сўрса синглим; менга қаниш  
Ака-ука қолдирди, деб;  
Айтинг; яканг ўршига биа —  
Аканг бўлиб қолдимиз, деб.  
Хотинимга айтинг дадим:  
Эслаганим у жонимни,  
Қолдирганим ёдгор этиб  
Милтиғим ҳам ўқдонимни.  
Ёр-дўстларга матьлум қилинг —  
Ўқ еб ногоҳ йиқилганим.  
Партизанлар келгунича  
Юрагим сал сиқилганини;  
Кейин бир-бир хайрлашиб,  
Соф виждан-ла ўлганимни,  
Партияга содик, юрт деб —  
Хатто қурбон бўлганимни.

V

Қорли тоғда бехос ўқдан  
Ҳалок бўлган дўст комиссар.  
Ёвга отган граната.,  
Ўқлар узган у сар-басар,  
Даҳшат солган, қўймай қирган.  
Шошма ҳали, эй ит фашист,  
Қасос истаб, қизиб танлар  
Адабингни бериб қўяр —  
Ёвқур дўстлар, партизанлар!  
Энг содик дўст, жасур Анвар  
Етиштирган бу эрларни.  
Лочин қилиб тарбиялаб,  
Чўки, дегин, қашқирларни!..

*Андреа Варфи*

**ПАРТИЯ ЎГЛИ**  
*(Поэмадан парча)*

Нурсиз,  
Хира декабрь туни...  
Ҳамма ёқда  
Муҳтожлик, террор!  
Қора юрак қарға бу куни  
Ўлим билан  
Қилган аҳд, қарор.

Кўк қаърида чақади чақмоқ,  
Мунгли ҳуштак чалади шамол.  
Қўргонларга тушади беҳол,  
Очлик енгган кузги барг, япроқ.

Яшин чақнар аждар тилидек,  
Ярқиратар зиё ҳар ённи...  
Титрар дараҳт, инграйди ўрмон.

Гумбазли,  
Кенг ертўла ичра,  
Ғамгин ёнган бир шамчироққа  
Боқар маъюс,

Кўз узмай сира  
Юзи ажин киши шу чоқда ..  
Жаллод тутиб қамчи, тўппонча,  
Сўроқ қилар шу зах қамоқда.

— Навқиронсан,  
Энди боғларда  
Сен теражак гуллар яшнади.  
Балки, ёрниг қалбин доғлади,  
Висолингга балки ташнадир...

Бу туманли  
Ерда-чи, бу чоқ  
Сенинг учун тайёр  
Ўқ, сиртмоқ.

Ачинаман,  
Экансан нимжон,  
Қийналипсан...  
Ҳаётингга эмасман кафил.  
Ҳеч бўлмаса бир сўз айт бу он,  
Ўзинг учун яхши ахир, бил!

Яширма ҳеч!  
Сендан кўра ҳам  
Дустларингнинг ақли бор экан,  
Мана — улар  
Озод этилиб,  
Яшашармиш, баҳтиёр экан...  
Икки йўлдан бирин танлагин:  
Ё тавба қил — қоласан омон,  
Ё қайтмагин — бўласан қурбон.

Дўқ-пўписа, ваъдаларни-да —  
Тингламайди сира ҳам тутқун.  
Жавоб учун бермайди нидо,  
Сўз айтмайди,  
Чиқармайди ун.

...Чақиради жаллод сержантин,  
Келтирилар яна у тутқун.  
— Тергов қилгил раҳмсиз бу чоқ,  
Кўз ёшлари камроқ оқибди,  
Уни қаттиқ урмапмиз ҳар кун!

Уни жаллод тепди беомон  
Зиналардан ертўла томон;  
Ертўланинг  
Мудҳиш қаърида  
Ваҳшийлик-чун қўл келса неки,  
Қонхўрларнинг касби-корида,  
Бисотида бор бўлса неки,  
Барин ишга солинар ҳозир,—  
„Исканжа-ю, „азоб камзул“ и.  
Ўтди бир кун...  
Сўзламас ҳеч бир,  
Ётар  
Кўзи сўник, қайғули.

Алаҳлар у...  
Бўлганмиш пайдо  
Ёш қалбида бургут қудрати  
Ва учармиш.  
Унинг қаноти  
Зулматни қувармиш гўё.

Инқилобнинг бўронларида  
Тинглар она юрт сасин тергак:  
— Қайдасан Тарас?  
— Олиб кет бизни!  
— Ол байроқлай кўтариш юксак!  
— Фалабага бошла, Партия!  
Сотқинларнинг совурдик кулин!  
Уни бургут парвозга ундар.  
Аммо боғлоқ оёқ ва қўли...

У ётади бедармон бу чоқ,  
Лаби лабга ёпишган, қақроқ.  
Оғир нафас олади зўрға,  
Эзилгандир тана, қобирға...  
Парвоз қиласар эди,  
Қаноти  
Бирдан музлаб қолгандай бўлди.  
Унга бало човут солади,  
Қутулмоқ кўп мушкул туюлди!

Босинқирап...  
Сўзига шу чоқ  
Муттаҳамлар соларди қулоқ.

— Ҳа! Албатта, бу — ўшалардан,  
Босинқираб бўлди у иқор.  
Энди қўлга тушди мутлақо,  
Ҳаммасини айтади зинҳор!

Коммунистнинг қўлга тушганин  
Бошлиқларга қилинган маълум.  
Мажруҳ қалбин забт этгани  
Тергов бошлар квестор — малъун.

Бера бошлар қайтадан савол,  
Бақирмас ҳеч, келмас ғазаби.  
Тутқун тураг жимжит, bemажол,  
Қимирламас ҳаттоки лаби.

Ойна томон тикилди бир зум  
Ва тинглади узоқдан қўшиқ.  
Шу лаҳзада ёдга олди у:  
Қачонлардир бу қўшиқларни —  
Куйлаганин дўстлар-ла жўшиб.  
Юрагини тирнади қайғу.

„Ёшлиқ, оловли йиллар  
Порлаган бир чироқсиз.  
Сиз яқинсиз қанчалар  
Ва қанчалар йироқсиз!“

Хотирига келди севиқлиси — қиз,  
У жангда,  
Бир сафда  
Юмган кўз...

Хаёлларин бўлди-да, ногоҳ  
Квесторга ташлади нигоҳ.

— Нима дейсан, тугатмоқ керак...—  
Деди унга квестор кулиб.—  
Коммунистсан,—  
Қайтма сўзингдан,  
Тан олгин-да, тез иқрор бўлиб...

Ўйла: ёшисан...  
Нобуд бўлмагин,

Берай сенга бир кунга муҳлат.

— Сержант!

— Лаббай, жаноб, хўш, хизмат?

— Олиб чиқ ва бер бунга овқат!

Шундай қилиб бир кун ўтди боз

Ва квестор бошлар яна ваъз:

— Энди бас қил, бўлма кўп ўжар,  
Мен ҳам шундай эдим бир замон.

Ёшлигимда идеалларга

Ишониб ҳам юрганман чунон...

Тикиламан, қара-чи, қандай?

Лекин сенга айтайн атай:

Фоянгга мен эмасман душман,  
Сендан кўра кўп тушунаман.

У ҳақида аниқ ва изчил

Мулоҳаза юритаман, бил!

Ишонмайсан,

Ёлғон дейсан-да?

Йўқса, қандай қиляпман хизмат?

Фармон бўлди — мана бундаман,

Илгари-чи, эдим бир солдат...

Сенга қойил қолдим, тан бердим,

Мардлигингни қилолдинг аён.

Аммо,

Москва таъсири билан

Содир бўлган сенда бир нуқсон...

Революция менга ҳам азиз

Ер юзида бўлса-да барпо.

Москва ишни бошлади яхши!

Не бўлар иш ўзгарса аммо?!  
Сен берасан жавоб у замон,—  
Уруш бўлса... ўзингга аён...  
— Ўчир!

Хей ит, фасодчи, хоин! —  
Йигит сапчиб, бир ҳамла қилди  
Тутолмасдан ўзини аммо —  
Оёғи банд, полга йиқилди...  
Квестор-чи қутуриб қаттиқ,  
Берди яна сержантга буйруқ:  
— Йўқотинг тез!  
Тегди чаккага!  
Муомала қилинг, чеккада!..  
Вақт-соат бирма-бир ўтар,  
Квестор-чи жавобин кутар.

Сержант кирап эшикни очиб.  
— Хўш?  
— У ўлди. Амрингиз вожиб.  
— Ололдингми бирор сўз юлиб?  
— Ҳа, икки сўз ҳаммаси бўлиб...  
— Қандай сўз у?  
— „Партия ҳаёт!“

Квесторнинг умиди барбод!  
Зўрга тураг эди оёқда.  
— Қандай халқ бу! Қийнасанг ғоят —  
Чидар,  
Садо бериш қаёқда?  
Ўла туриб ҳам дер: „Партия ҳаёт!..“

## *Нонда Булька*

### **БУРГУТЛАР ҚОЯСИ**

Маркадёплар жабрин бир вақтлар тортган  
Қояли Мирдита бағри орқали  
Элга нур берувчи тонг бўлиб отган  
Ёруғликка кенг йўл очилар ҳали.

Янграп қояларда мағур акс-садо:  
— Анвар-Сталин!.. —  
Йўқол эй, қоялар, кунларинг битган,  
Парчалан! — эркин юрт шудир истаги...

Кўрдингми — Ульзага совчилар келган  
Селитага қилиб ажиб бир тортиқ.  
Совчилар нияти келин қилмоқдир,  
Дарё ҳам келиндеқ ясанган ортиқ.

Тинмай жўш урмоқда ҳалқ шижоати.  
Буюк бир интилиш, ўлмас ғоялар.  
Қани четланма-чи (йўқдир тоқатим)  
Қоялар, эй қоялар!

— Асрлардан берли шу ён бағрида  
Ўрмон, яйловларга боқаман бирдай.

Ёввойи мусичалар бунда қўйған ин.  
Роса баландликда бургут яшаган;  
Чангалида қисиб ўлжасин лочин  
Юлдузларга қараб уча бошлаган.

Ҳар нарсага макон бўлсан-да, бироқ —  
Асрий қиёфамни ўзгартмадим ҳеч.  
Мени қуш патидек ўйлаб сен, дадил —  
Айтодинг қўзғол деб бу кун эрта-кеч!

Ким-ла баҳслашяпсан, мағрур босқончи  
Ва кимни уятга қўймоқ ниятинг!  
Қаршингда нима бор, балки, билмассан,  
Бургут қояси деб аталур отим!

— Жуда соз! Мен — ишчи, тог тешар кончи;  
Меҳнатда матонат одатим менинг.  
Қанча мақтамагин, қанча жеркмагин,  
Зарра чўчитолмас дўқларинг сенинг!

Пилтани ёқди у. Тутун, аланга...  
Бирдан „торс“ ёрилди гумбурлаб қоя.  
Овозлар водийдан учди баландга,  
Қалбларда қувончлар эҳ бениҳоя!

Юксак қоялару тикка чўққилар —  
Оша нур таралди бутун ўлкага;  
Водийга харсанглар гурс-гурс йиқилар—  
Нодонлик зулмати қулаг елкадан!

*Лазар Силичи*  
(1922)

**ПОЛЬ РОБСОНГА ТАБРИК ХАТ**

Заилийск Алатау тоғларыда ёзги альпинистлик мавсуми тугади. Спортчилар ҳали мутлақо текширилмай ётган тоғ чүққилариға күтарилдилар. „Локомотив“ жамиятининг альпинистлари топган чүққилардан бирининсига машхур негр күйчиси, отоқли прогрессив жамоат арбоби Поль Робсон номини бердилар.\*

(Газетадан)

Сен ва менинг орам  
нақадар йироқ!  
Кудратли овозинг  
аммо  
яқинроқ!  
Тинчлик жангчиларин  
жар икки юртнинг  
Мангу бирлаштирас —  
буюк муҳаббат,  
Дўстликка ғов солган  
Уолл-стритни

Лаънатлар  
биздаги  
газабу нафрат.  
Муқаддас бир ишонч  
қўшади бизни:  
Озодлик, ҳақиқат қуёши  
бир кун  
Ватанингизда ҳам порлайди сизнинг  
Порлаб турганидек бизда шод, мамнун.  
Шу қуёш чиқишин  
қалбдан қутлаймиз,—  
Бутун ер курраси ёришар ундан!  
Сафарбар куйларинг ҳеч унутмаймиз,  
Қани  
кўришайлик,  
қўлинг бер бундай.  
Ўтли қўшиқларинг  
шоирга азиҳ, —  
Бизлар  
баҳрамандмиз  
зўр илҳомингдан.  
Совет чўққилари ичидა  
тенгсиз  
Чўққи бор,  
улуғвбор,  
сенинг номингда.  
Уруш ваҳимаси мутлақо тугаб,  
Орзиқиб кутилган айём келганда,  
Гўдаклар беташвиш  
бутун тун бўйи  
Ширин ухламогин олддан билганда.  
Фашист қотиллари керосин қўйиб

Софдил йинсонларни кўйдирмағандা,  
Куклукскланлар\*  
қирилиб-битиб,  
Негрни жонидан тўйдирмагандা,  
Тинчлик,  
факат тинчлик  
хукм сурганда,  
Саодат ер юзин кезиб юрганда,—  
Шунда бу чўққига чиқади куйчи.  
Эй, Робсон,  
куйларинг  
янграп ўшандада  
Тоғларда,  
боғларда,  
хулласи—қўйчи,  
Жаранглар ўлкамда,  
кўчам,  
гўшамда...  
Куйла,  
куйинг, Робсон,  
кенг қанот ёзиб,—  
Чорлар бизларни ҳам  
жангга,  
зрафарга!  
Шундай куйлагинки,  
ӯтли овозинг  
Ёндиришии банкирлар  
уйин саҳарда...  
Шундай куйлагинки,  
куйинг гумбурлаб,

---

\* АҚШдаги фашистик террор ташкилотининг аъзолари.

Менинг юртимда ҳам берсин акс-садо.  
Шундай куйлагинки,  
негрлар гурлаб  
Кўзғолсин  
эрк учун,  
этуб жон фидо.  
„Кўшиқ ҳамда шеър —  
бомба ва байроқ,  
Куйчининг овози  
қалқитар синф!“ —  
Деган шоир каби  
жангга, зафарга —  
Чорласин,  
овозинг мағрур янграсин!

## ИККИ БАЙРОҚ

Жимиirlар нур аксидан бепоён денгиз,  
Кирғоқда зумраддай порлар Стамбул;  
Соҳиллар ёқалаб сузар „Шевченко“  
Мағрур номи каби гўзал корабль.  
Шоирлар куйлолмас Туркияда тинч  
Уларнинг созини бўғиб ётади —  
Чет эллик келгинди „Кэмл“ эрта-кеч,  
Яна — сигарасин зўрлаб сотади.  
„Хайль!“ деб қичқиришса кечакеча Папенга,  
Собиқ гитлерчи ҳам „О-кэй!“ деб қўйди.  
Чайқовчи-даллоллар тиржаяр нега?  
Чунки қоринлари шу „иш“дан тўйди...

Босфорнинг зангори сувига

ФОЯТ —

Қоп-қора ва мудҳиш ташлаб бир соя,  
Янки эсминеци ўтар бўғоздан,  
Демак,

Кореяга

етади тезда...

Қаршимда сузмоқда иккита кема,  
Иккови юк ортган,

устида ялов;

Бири албанларга элтар дон, ҳаёт,  
Бири корейсларга офату олов.

Кўз олдимда

қолди:

иккита байроқ,

Иккиси икки дунё тимсоли мутлоқ.

*Фатмир Гята*

## ПАРТИЗАН БЕНКО ҲАҚИДА ҚҮШИҚ

I

1

Ление тоги ортига  
Бош қўйди қуёш.

Шафақ ичра чўққилар  
Мудрайди ювош.  
Сўқмоқ йўлдан тушади  
Бир тўда қизлар.  
Елкасида кўзаси,  
Булоқни кўзлар.

2

Тўпланишган йигитлар  
Булоқ бошида.  
Жўралари Бенко ҳам  
Улар қошида,  
Ундан сўрар дўстлари:  
— Айт, қандай жонон  
Сенга жуда ёқади,  
Калбингга ўт ёқади?

Бенко жавоб беради:  
— Қулоқ солингиз,  
Кўйлагига тўғноғич  
Қадайди у қиз.  
Билагида бор унинг  
Қўш билакузук.  
Булоқ ичра чўмилган  
Юлдуздек нозик.

Сувлар эса оқади  
Куй чалиб, қувноқ.  
Шу ариқнинг бошида  
Қайнар уч булоқ.  
Шу сувлардан бир ичсанг  
Ёришар дилинг:  
Жуда маза қиласан  
Ювсанг юз-қўлинг.

Ўтиб бўлмас булоққа,  
Булоқ йўли берк.  
Қизлар туриб бир чётда  
Кулоқ солди тек:  
„Ким экан орамизда  
Бахтиёр ул қиз;  
Булоқ ичра чўмилган  
Гўё бир юлдуз“.

Лекин бирдан тўзишди  
Мисоли кантар.  
Бошларида ҳилпирав  
Шоҳи рўмоллар.

## 3

Қиз кетидан югуриб,  
 Етиб Бенко дер:  
 — Тұхта, тұхта, Минуши,  
 Тұхта, қулоқ бер!  
 Шошмал Қани күзапгни  
 Бер, мен әлтايин.  
 Сени севаман! Сенсиз —  
 Яшашим қийин.

Сувлар эса оқади  
 Күй чалиб хандон.  
 Шу сув каби юрак ҳам  
 Тинч турмас бир он.

— Сени севаман, Бенко,—  
 Жавоб берар қиз,—  
 Вафодоринг бўлурман  
 Ҳамиша, ҳар кез.

## 4

Рух беради чилдирма  
 Бенко тўйига.  
 Шўх йўргалар оёқлар  
 Унинг куйига.  
 Йўқ бўлса ҳам столда  
 Никоҳ асали,  
 Йўқ бўлса ҳам бу юртда  
 Озодлик ҳали,  
 Йўқ бўлса ҳам баҳт бизга  
 Барибир ёниб,

Тонгга қадар ўйнадик  
Қувониб — қониб.

## II

### 1

Хазон бўлиб кенг боғлар  
Гулин тўкмоқда.  
Булбуллар куй бошламас,  
Гуллар яшнамас.  
Ўлка бўйлаб қора тун  
Аста чўкмоқда...

### 2

Анов тоғда барг ёзмиш  
Мағур арғувон.  
Партизанлар кўксидা  
Бир юлдузсимон  
Гоҳ Иван-тоғ ортида,  
Гоҳо Гур-тоғда  
Ўқлар учиб, чақнайди  
Кутмаган чоқда...

### 3

— Қани берчи, Минуши,  
Патронташни тез!  
Қани тикчи, Минуши,  
Шапкамга юлдуз;  
Милтиқни ол, Минуши,  
Ва мойлаб бергин.

Партизанлар қошига  
Кетаман бугун,  
— Наҳотки, мени, Бенко,  
Ташлаб кетасан?  
Наҳотки, мени, Бенко,  
Үтга отасан?  
Наҳот ўғлинг ўсади  
Отасиз — якка...  
Наҳот дарду фифоним  
Чиқар фалакка!  
Жавоб берар шошимасдан  
Шунда Бенко ҳам:  
— Бил, сени севганимдан  
Кетурман, эркам.  
Ўғлимни севганимдан  
Кетурман, эркам.  
Юртим тутқун, шу учун  
Кетурман эркам.  
Иван-тоғдан ўқ сасин  
Эшиктан замон,  
Эшикларни катта оч,  
Чақиргин меҳмон,  
Уйимизни тўлдирсинг  
Шодлик, саодат.  
Билки, зафар бизга ёр,  
Қайтурмиз, албат.

## 4

Боғу чаман сўлмоқда,  
Тун, шамол йўқлар.  
Ление тоғи ортида  
Қуёш ҳам ухлар.

Ухлар эллар тоғларда,  
Тун, шамол йўқлар.  
Келар дарё шовқуни  
Узоқ-узоқдан.  
Баъзан қолар ўқ янграб  
Девола-тоғдан.  
Тоғда чироқ, қуйида —  
Ухлаган қишлоқ.  
Минушининг уйқуси  
Келмайди бироқ.  
Гар истасанг куйига  
Солгин сен қулоқ:  
„Агар совуқ экан төғ,  
Бўлай гулханинг.  
Агар суви йўқ экан,  
Бўлай булоғинг.  
Юрагингга ўқ узса,  
Кўксимни тутай,  
Қонинг учун қон олиб,  
Ўрнингга ўтай.  
Ўғлимиизнинг номи-ла  
Ичаман қасам:  
Ҳисоб әмас, душманнинг  
Пойлаб юрагин,  
Уч пул қилиб жаҳонда  
Машъум тилагин  
Бир ўқ бўлиб кўксига  
Гар қадалмасам!“

## 5

Чаман сўлғун, боғ ўзин  
Тўккан мевасин.

Бўм-бўш дала, қиrimiz,  
Инграр еримиз.  
Лекин тоглар ортида  
Ўлжа ўқ билан  
Босқинчини қийратар  
Жасур партизан.

Қўрқди ўқ товушидан  
Бир ёшлик гўдак.  
Бўлди ҳатто эшикка  
Қулф солдиргудак...  
Қулоғига кирмаса  
Ўқлар товуши.  
Лекин эшикни ёпмай  
Дерди Минуши:  
— Қўрқма, ўғлим, қўрқма ҳеч,  
Бўлмагин ҳайрон.  
Отанг қайтар уйига  
Тезда соғ, омон.  
Кел, эшикни катта оч,  
Боқ, ўғлим, бардам.  
Опара, Загоридан...  
Келмоқда одам.

Бенко бўлди ҳар жойда,  
Жангда, курашда.  
Бўрон кечди, тоф ошди,  
Тунади тошда.  
Ўқлар ўтди ёнидан  
Ғизиллаб, ёниб.  
Тез кунларда, эҳтимол  
Қайтади ғолиб!

Бенко чиқди чўққига,  
 Боқди қишлоққа.  
 Қушлар учар қанотин  
 Коқиб, ҳар ёққа.  
 У жанг қилди мардона,  
 Ўқ узди бардам.  
 Улуғ партия учун,  
 Она юрт учун.  
 Дўсту ёри ёнида  
 Эртаю кечин.

У жанг қилди яшаш-чун,  
 Яшар кураш-чун.

Сувлар оқар шилдираб,  
 Куй чалиб, ўйноқ.  
 Сойлар эса кулади,  
 Кулгуси қувноқ.  
 Бенко ётар тош узра,  
 Қилт этмай, бежон!  
 Гўё сойдан сув ичар!  
 Тўймасди ҳамон.  
 Ҳа, Бенко ҳалок бўлди,  
 Юрт яшасин деб,  
 Тоғ бағрида майсалар,  
 Гул яшнасин деб.  
 Чилдирмалар янграсин,  
 Рақслар бўлсин деб.  
 Ҳар хона-ю, кўнгилда  
 Толе кулсин деб.

Куйлар оқсин, шон-шараф  
Топсин деб меҳнат!

Минушининг севгани  
Қайтмади фақат.

7.

Шу куни отряд хўп жиддий эди,  
Қаҳрамон қошида турди саф ториб.  
Марҳумнинг шаънига янгратди салют  
Устма-уст ўн икки марта ўқ отиб.  
Партия жангчиси Бенко тоғларда  
Жанг қилди фашист-ла ва бўлди ҳалок.  
— Бенкога шараф!  
— Бенко ҳеч ўлмайди, у мангу ҳаёт! —  
Деди тик Минуши дўстларга қараб.  
Жавобин қаттиққўл тоғлик ҳалқ айтди:  
— Бенкога шараф!  
Ухлаган қишлоқда эса тун бўйи  
Минуши алласи янгради яна.  
Сен унга қулоқ сол, у алла мана:

„Куёш ботди тоғ ошиб,  
Қўзим, ухлай қол.  
Отанг жасур, мард эди,  
Курашди ҳалол.  
Отанг каби мард жангчи  
Бўлурсан сен ҳам.  
Яшасин деб бу ўлкам,  
Ўз Албаниям, —  
Ҳалок бўлди мард отанг.  
Алла-ю, алла!“  
Кеча ўтди, тонг отди,

Ёриди жаҳон,  
Алла эса қишлоқда  
Янграйди ҳамон.  
— Ухла, қўзим, ботирчам,  
Боқди тоғдан қуёш ҳам.

### III

#### 1

Боғлар чаман, яшнаган,  
Сайрар булбуллар.  
Иван-тоғдан қалдирғоч  
Кўкка тўш урап.  
Денгиз оша баҳорни  
Келтирас еллар.  
Баҳор пайтидир, баҳор!  
Яшаргай ерлар!

#### 2

Иван-тоғи чўққисидан ташласанг назар  
Кўм-кўк ўрмон орқасида мовий денгиз бор.  
Албания қирғоғига — Дурресга сузар  
Пароходлар денгиз узра мағрур, баҳтиёр.  
Лангарида ҳилпираиди қип-қизил байроқ,  
Бағри тўла қимматли юқ, хилма-хил номи.  
Бунинг бари жонажони албан халқига.  
Совет юрти халқларининг совға, инъоми.  
Шарқдан учган еллар тегар денгиз ёлига,  
Учқур қушдан суръати тез, жуда ҳам чаққон.  
Тўсолмайди бу елларни чиқиб йўлига  
На душманнинг заставаси,  
на ўқ, на посбон,

На чегара!  
Ўтиб аста Иван-тоғидан,  
Күм-күк дала, кумуш сувлар, чамаизор бөгдан,  
Хар қишлоққа келтиради бу шамол баҳор.  
Бу Россия шамолидир!  
Нақадар дилдор!

## 3


Тұлиб оқар жұшқин сой,  
Боши уч булоқ  
Қуёш нуридан порлоқ,  
Тиник, ярқироқ.  
Қишлоқ уйғоқ, ухламас,  
Қишлоқ күйлайди,  
Тонғдан туриб ҳур мәҳнат  
Завқин ўйлайди.  
Иван-тоққа йўл олар  
Мәҳнат севар эл.  
Унда ўйиб тоғ бағрин  
Қазилар туннель.  
Совға-салом әлтади  
Пойтахтга бу йўл.

Бенко отряд олдида  
Борган ерида,  
Янги излар ётқизди  
Ишчи бригада.

Уруш изин йўқотар  
Ботир халқ иши.  
Бригадада боради  
Бошлиқ Минуши.

Тугар шонли иш куни,  
 Қўшиқ барала.  
 Қизлар ўйин тушади,  
 Авжда доира.  
 Оқшом чоғи дам олмоқ  
 Қандайин яхши!  
 Қулоқ солчи, сувларга,  
 Гўзал оқиши!  
 Қулоқ солчи, баргларга:  
 Баҳор ёзмиш сеп.  
 Қулоқ солчи, Минуши  
 Куйлар нима деб!  
 „Давримизни куйлайман,  
 Йўллар чароғон.  
 Кураш билан олинган  
 Эрким, бўл омон!  
 Тинчлик, дўстлик, омонлик,  
 Юртим куйлайман...  
 Кремлдек жонажон  
 Ерни ўйлайман...“  
 Баҳор ели кезади  
 Юрт бўйлаб бедор.  
 Ҳар қишлоққа баҳш этиб  
 Мангу бир баҳор!  
 Бу Россия шамоли,  
 Россия шамоли!

1949 йил.



## МУНДАРИЖА

### ХАЛҚ ЭПИК ДОСТОНЛАРИ

Дъердь Элез Алия. <i>Ҳамиәт Ғулом</i> таржимаси . . . . .	5
Муйонинг куучи. <i>Ғулом Шоди</i> таржимаси . . . . .	12
Тяфанақ қизи. <i>Мирмуҳсин</i> таржимаси . . . . .	16
Скандербек ва Балабанпошшо. <i>Ғулом Шоди</i> таржимаси . . . . .	26

### XIX—XX АСР ШОИРЛАРИ

#### *Иероним Д -Рада* (1814—1903)

Милосао. <i>Ҳайриддин Салоҳ</i> таржимаси . . . . .	33
Серафина. <i>Ҳайриддин Салоҳ</i> таржимаси . . . . .	37

#### *Кичик Гавриил-Дара* (1826—1885)

Эртак. <i>Ҳайриддин Салоҳ</i> таржимаси . . . . .	39
---	----

#### *Васопошшо Шкодрани* (1825—1892)

О, Албания! <i>Ёнғин Мирза</i> таржимаси . . . . .	42
--	----

#### *Тими Митко* (1815—1889)

Ёрни соғиниб йигладим. <i>Ёнғин Мирза</i> таржимаси . . . . .	46
---	----

#### *Наим Фрашер* (1846—1900)

Шамчироқ қўшиғи. <i>М. Бобоев</i> таржимаси . . . . .	49
Булбул. <i>М. Бобоев</i> таржимаси . . . . .	52

<b>Гүзаллик ҳакида шеърлар:</b>	
Топдим гүзалликни <i>М. Бобоев</i> таржимаси . . . . .	55
Бир боқдинг, юлдузлар. <i>М. Бобоев</i> таржимаси . . . . .	56
Ҳар бир нарсада. <i>М. Бобоев</i> таржимаси . . . . .	57
Шам яшашни ўрганди. <i>М. Бобоев</i> таржимаси . . . . .	58
Хурма, меванг менга. <i>М. Бобоев</i> таржимаси . . . . .	59
Нақадар келишган. <i>М. Бобоев</i> таржимаси . . . . .	60
Етар, ортиқ азоб <i>М. Бобоев</i> таржимаси . . . . .	61
Ёз тугади <i>М. Бобоев</i> таржимаси . . . . .	62
<b>Андон Зако-Чаюпи (1866—1930)</b>	
Ватан. <i>Ёнғин Мирза</i> таржимаси . . . . .	63
Албаниялик. <i>Ёнғин Мирза</i> таржимаси . . . . .	64
Биз туғилган гулшан. <i>Ёнғин Мирза</i> таржимаси . . . . .	67
Сенинг ҳуснинг. <i>Ёнғин Мирза</i> таржимаси . . . . .	68
Томчи томиб. <i>Ёнғин Мирза</i> таржимаси . . . . .	69
Бир мактубдан. <i>Ёнғин Мирза</i> таржимаси . . . . .	70
<b>Филипп Широка (1859—1935)</b>	
Уч, қалдириғоч <i>Султон Акбарий</i> таржимаси . . . . .	72
Бир грекофирига әпитафия. <i>Султон Акбарий</i> таржимаси . . . . .	74
<b>Люйдь Гуракутти (1879—1925)</b>	
Матонат. <i>Султон Акбарий</i> таржимаси . . . . .	75
<b>Михаль Грамено (1872—1931)</b>	
Эрк курашчисига оқ фотиҳа ғериш. <i>Султон Акбарий</i> таржимаси . . . . .	77
<b>Ндре Мъеда (1866—1937)</b>	
Йўқолган ўғил. <i>Султон Акбарий</i> таржимаси . . . . .	79
<b>Мидъени (Милош Ъвердь Никола) (1911—1938)</b>	
Баҳор севинчлари. <i>Эминжон Аббос</i> таржимаси . . . . .	82
Хиргойи ашула <i>Эминжон Аббос</i> таржимаси . . . . .	84
Қашшоқлик поэмаси. <i>Эминжон Аббос</i> таржимаси . . . . .	86

**ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК АЛБАН ПОЭЗИЯСИ**

*Камол Страфа (1921 - 1942)*

Кўнгироқ қўшиғи. Эминжон Аббос таржимаси . . . . . 93

*Шефтет Мусараӣ (1914)*

.Бали Комбетар"нинг қиссаси. Султон Акбарий таржимаси 95

*Димитр Шутериков (1915)*

Партия, сенга шон-шароф! Эминжон Аббос таржимаси . . . 104

*Алекс Чачи (1916)*

Терек бўйида. Ж. Жабборов таржимаси . . . . . 108

Кенуриос Николаос. Ж. Жабборов таржимаси . . . . . 109

*Коль Якова (1917)*

Виг қаҳрамонлари. Ж. Жабборов таржимаси . . . . . 111

*Зини Сако (1912)*

Комиссар. М. Ўлмас таржимаси . . . . . 119

*Андреа Варфи.*

Партия ўғли. Ю. Шомансуров таржимаси . . . . . 124

*Нонда Бўлька*


Бургутлар қояси. М. Ўлмас таржимаси . . . . . 131

*Лазар Силиччи (1922)*

Пол. Робсонга табрик хат. М. Ўлмас таржимаси . . . . . 133  
Икки байроқ. М. Ўлмас таржимаси . . . . . 137

*Фатмир Гята (1922)*

Партизан Бенко ҳақида қўшиқ. Шуҳрат таржимаси . . . . 139



**На Узбекском языке**  
**АЛБАНСКАЯ ПОЭЗИЯ**  
**Гослитиздат УзССР —1959—Ташкент**

*Редактор М. Ўлмас  
Рассом Қ. Башаров  
Бадиий редактор Г. Остапенко  
Техн. редактор С. Губайдуллин  
Корректор М. Мирпурлатов*

\* \* \*

*Теришга берилди 30/VII-1958. "Босишга руҳсат этилди 6/II 1959. Қогоғиз 70X108<sup>1/2</sup>. Физик босмаған. 4,875  
Шартли босма л. 6,68. Нашриёт л. 4,9  
Тиражи 5000. Индекс — жа  
ЎзССР Давлат бадиий адабиёт Нашриёти. Тошкент. Навоий кӯчаси 30.  
Шартнома 253-57.  
Баҳоси 4 с. 25 т.*

\* \* \*

*ЎзССР Маданият министрилиги ўз-  
главиздатининг 1-босмахонаси. Тошкент. Ҳамза кӯчаси 21. 1959. Заказ № 677*

4 с. 25 т.



Ўзабадийнашр